

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ
ВА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ
ҚЎМИТАСИ**

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

ХАСАНОВ АЗИЗ

**ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ КОРХОНАЛАРИДА СОЛИҚҚА
ТОРТИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ**

5A230102 – Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)

Магистр академик даражасини олиш учун

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:

и.ф.н. Ш.Э.Синдаров

ТАШКЕНТ 2013

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги: Давлатнинг бозор иқтисодиётига таъсир этувчи кўпгина иқтисодий таянчлари ўртасида солиқлар муҳим ўрин тутadi. Иқтисодчи олимларнинг фикрича, “солиқда давлатни борлигининг иқтисодий ифодаси гавдаланади”. Бозор муносабатлари шароитида, айниқса, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида солиқ тизими – бу давлатнинг сиёсий-иқтисодий томондан тартибга солувчи ҳамда молия-кредит механизмининг асосий дастакларидан бири саналади. Давлат солиқ сиёсатидан бозорнинг салбий кўринишларга аниқ таъсир этиш воситаси сифатда кенг фойдаланади. Давлат иқтисодиётининг қанчалик гуллаб-яшнаётгани, самарали фаолият этаётгани солиқ тизимининг қанчалик тўғри тузилганлигига боғлиқдир.

Ўзбекистон мустақилликка эришиб, иқтисодий ислохотлар йўлини танлагандан сўнг, мамлакатимиз олдида ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда бошқа бозор иқтисодиётига ўтишдек мураккаб жараёни бошидан кечираётган ривожланган ва ривожланаётган хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларидан келиб чиққан тарзда мазмунан янги солиқ тизimini вужудга келтириш вазифаси турар эди.

Бозор муносабатлари, хўжалик юриштишнинг янги шакллари ривожланиши билан солиқ қонунчилигимизда ҳам юқорида зикр этилган тамойиллардан келиб чиқиб ҳамда бошқа ислохотларнинг устивор вазифаларини амалга ошириш жараёнида жиддий ўзгаришларга учради. Жумладан, Президентимиз Ислom Каримов 2005 йил 28 январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисида “Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир” мавзусида қилган маърузаларида эса иқтисодий ислохотларни

амалга оширишнинг энг устивор вазифаларидан бири сифатида солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш кераклигини эътироф этганлар.¹

Юқоридаги фикрлар тасдиғи сифатида айни ўша маърузада Президентимиз бошқа ривожланган давлатларнинг илғор тажрибаларидан фойдаланиш лозимлиги ҳақида бир карра таъкидлаб ўтганлар. Солиқ ислоҳатларини амалга оширишда мамлакатимиз раҳбарияти томонидан қуйдаги масалаларни ҳал қилиш устивор вазифа сифатида қўйилди:

Биринчидан, корхоналарга нисбатан солиқ юкини имкон қадар камайтириш. Бундан мақсад корхонанинг ўз маблағларини мустақил равишта тасарруф эта олиш салоҳиятига эга бўла олишидир. Энг аввало бевосита солиқларни камайтириш ва билвосита солиқларни ҳамда ресурс тўловларини, айниқса, қайта тикланмайдиган бойликлар, ер ва сув захираларидан самарали ва тежамкорлик билан фойдаланишни оптималлаштиришга алоҳида эътибор бериш лозим.

Иккинчидан, ишлаб чиқарувчилардан бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар учун ундириладиган солиқлар суммаси ялпи ички маҳсулот ва иқтисодий ривожланишнинг белгиланган сураътларида оптимал равишда мувофиқлаштирилиши керак.

Учинчидан, солиқ сиёсатини шакллантириш пайтида бюджетлараро нисбатларга қатъий риоя қилиш, яъни, даромадларнинг қайси қисми ишлаб чиқарувчиларда, қайси қисми маҳаллий ва республика бюджетига тушиши лозимлигининг оптимал нисбатларини таъминлаш керак.

Тўртинчидан, солиқларни бирхиллаштириш, сонини қисқартириш ҳамда улар бўйича ҳисоб-китоб қилиш механизминини соддалаштириш бўйича доимий иш олиб бориш.

Бешинчидан, йиллик солиқ сиёсатини шакллантиришда давлат харажатларини мумкин қадар қисқартириш ва оптималлаштиришнинг энг муҳим устиворлик сифатида инобатга олиш.

¹ Каримов И.А. “Бизнинг бош мақсадимиз- жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш”. - “Халқ сўзи”, 2005 йил 29 январь.-№20(3565).

Ҳукуматимиз томонидан ушбу фикрларларнинг эътироф этилиши эса бежизга эмасдир. Чунки солиқ сиёсати иқтисодий ислоҳатнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Иқтисодий сиёсатнинг самараси кўп жиҳатдан тўғри танланган солиқ сиёсати стратегияси ва уни амалга ошириш бўйича олиб борладиган адолатли чора-тадбирларга чамбарчас боғлиқдир. Албатта солиқ тизимини такомиллаштириш ва ундаги ислоҳатларни амалга оширишда тарихий манбалардан, илмий янгиликлардан, шунингдек, ривожланган давлатлар тажрибасидан фойдаланиш катта аҳамият касб этади. Шу нуқтаи-назар билан мамлакатимизда бугунги кунгача солиқ ислоҳатлари тинимсиз амалга оширилмоқда ва ўзининг мувофақиятли натижаларини бермоқда десам муболаға бўлмайди. Зеро, йилдан йилга солиқ қонунчилигимизда бўлаётган ўзгаришлар, яратилаётган енгиликлар, солиқ юки даражасининг камайиб бораётгани, берилаётган имтиёзлар ва солиқ саводхонлиги даражасининг ошиб бораётгани ҳаммамизга маълум.

Юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳамда уларнинг тузилиш тамойиллари, усуллари, солиқ назоратининг йиғиндиси солиқ тизимини ташкил этади. Перизидентимиз И.А.Каримов “аввало солиқ тизими ўзига хос вазифани, яъни, фискал, қайта тақсимлаш ва рағбатлантириш вазифасини тўла даражада бажариши керак” деган фикр билдирган эдилар. Солиқ тизими бизнинг Ўзбекистон Республикасида географик жойлашиш ўрни, иқлими, тарихий хусусиятлари, урф-одатлари ва табиий ресурслар турларининг салмоғига қараб ташкил топган. Умуман олганда бугунги кунда солиқ тизимимиз ўзига хос жиҳатларига ва мазмунига кўра гуруҳланишга эгадир. Солиқларни бундай тартибда гуруҳланишидан мақсад уларни тақсимлаш тамойилларини белгилашда, уларнинг солиқ функция ва вазифаларини қай даражада бажараётганлигини баҳолашда, умуман олганда давлат бюджетини доимий равишта ва мунтазам

даромадлар билан таъминлашда, шунингдек хўжалаик юритувчи субъектларнинг тадбиркорлик фаолиятини чеклаб қўймасдан фаолият кўрсатиши учун солиқларни ҳар томонлама илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш, таҳлил қилишдан иборат.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Солиқларнинг телекоммуникация соҳасидаги иқтисодий аҳамияти хорижлик олимлар М.Белуза, А.Веренков, Э.Вознесенский, А.Гуйдо, А.Дадашев, Л.Дробозина, В.Колесников, А.Лаффер, Р.Макконел, А.Медведев, Г.Поляк, В.Родионова, Р.Рябова, С.Фишер, М.Фридмен, А.Харрод, Д.Черниклар² илмий ишларида тадқиқ этилган.

Ўзбекистонда телекоммуникация корхоналарини солиққа тортишнинг назарий ва амалий томонлари О.Абдурахмонов, Ш.Абдуллаева, М.Альмардонов, Қ.Базаров, А.Вахабов, Э.Гадоев, В.Галкин, Ж.Зайналов, А.Жўраев, О.Иминов, Т.Маликов, О.Олимжонов, Ҳ.Собиров, Ш.Тошматов, Ш.Тошмуродов, Б.Тошмуродова, М.Шарифхўжаев, Қ.Яхъеев, Н.Ҳайдаров, Р.Қурбоновлар³ томонидан таҳлил қилинган.

Юқорида қайд этилган мамлакатимиз иқтисодчилари томонидан солиқларнинг назарий асослари, иқтисодий мазмуни, миллий иқтисодиётдаги ўрни, ялпи ички маҳсулотни тақсимлашдаги мавқеи тўғрисида қатор илмий хулоса ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган. Шу билан бир қаторда, иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида республикамизда телекоммуникация корхоналарини солиққа тортиш механизмини тадқиқ этишга бағишланган яхлит махсус илмий диссертациялар амалга оширилмаган. Ушбу муаммонинг долзарблиги ва

² Белуза М.Я., Веренков А.И., Налогообложение телекоммуникационных предприятий: Справочник-альманах. – М.: 1996. – 136 с; Дадашев А.З. Налогообложение телекоммуникационных предприятий в Российской Федерации. – М.: Книжный мир. 2008. – 88 с.

³ Тошматов Ш. Телекоммуникация корхоналарини солиққа тортишни такомиллаштириш // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2005. -№10-11. – Б.6.; Тошмуродов Ш. Формирование доходов телекоммуникационных предприятий. – Санкт-Петербург: СПб.УЭФ, 1992. – 190 с.; Қурбонов Р. Телекоммуникация корхоналари даромади (фойдаси)ни солиққа тортиш масалалари: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: 1998. – 20 б.

иқтисодий адабиётда чуқур тадқиқ этилмаганлиги алоҳида диссертация мавзуси сифатида танланишига асос бўлди.

Диссертациянинг илмий ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент ахборот технологиялари университети илмий ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Диссертациянинг мақсади. Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган телекоммуникация корхоналарининг солиққа тортиш тартибини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Диссертациянинг вазифалари. Илмий иш олдига қўйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгиланди:

- иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида телекоммуникация корхоналарини солиққа тортишнинг объектив зарурлиги тадқиқ этиш;
- телекоммуникация корхоналарини солиққа тортишнинг ривожланиш босқичлари таҳлил қилиш;
- телекоммуникация корхоналаридан ундириладиган умумдавлат солиқлари, маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг ҳисоблаш тартиби, тўлаш механизмини таҳлил этиш;
- телекоммуникация корхоналаридан фойда солиғи ва ресурс солиқларини ундириш механизмини такомиллаштириш юзасидан илмий таклифлар ишлаб чиқиш;
- телекоммуникация корхоналарининг амалдаги солиққа тортиш жараёнини мувофиқлаштирувчи меъёрий ҳужжатларни иқтисодиётни эркинлаштириш талаблари бўйича такомиллаштириш юзасидан илмий хулосалар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;
- солиқларни миллий иқтисодиётда тутган ўрни ва аҳамияти ислоҳ қилиш;
- иқтисодиётни модернизация қилишда солиқларнинг мазмун ва моҳиятини ўрганиш;

- солиқларни асосий функциялари ва тамойилларини таҳлил қилиш;
- Ўзбекистонда солиқ ислохатларини асосий тенденцияларини баҳолаш;
- молия-бюджет параметрларини ўзгаришини тадқиқ этиш;
- телекоммуникация соҳасида солиққа тортишнинг иқтисодий аҳамиятини ошириш истиқболларини баҳолаш.

Диссертация объекти. «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси диссертация объекти бўлиб ҳисобланади.

Диссертация предмети. Ушбу компаниянинг давлат бюджетига тўлайдиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тадқиқотнинг предмети саналади.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация иши натижалари бўйича жами 6 та илмий мақола ва тезислар нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 81 бет бўлиб, 9 та жадвал ва 4 та расмни ўз ичига олган.

1. СОЛИҚЛАРНИ МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДА TUTГАН ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

1.1. Иқтисодиётни модернизация қилишда солиқларнинг мазмун ва моҳияти

Маълумки, солиқлар бевосита давлатнинг пайдо бўлиши билан боғлиқдир, яъни давлат ўзининг ваколатига кирувчи вазифаларни бажариш учун молиявий манба сифатида солиқлардан фойдаланади. Солиқларнинг амал қилиши бу объективликдир, чунки жамиятни ташкил этувчи барча субъектлар ҳам реал секторда, яъни ишлаб чиқариш соҳасида фаолият кўрсатмайди. Жамиятда бошқалар томонидан рад этилган ёки фаолияти иқтисодий самарасиз бўлган соҳалар ҳам мавжудки, булар солиқларни объектив амал қилишини талаб этади. Аниқроқ қилиб айтганда жамиятни норентабел (мудофаа, медицина, фан, маориф, маданият ва бошқ.) ва рентабел соҳага ажралиши ҳамда норентабел соҳани молиялаштиришнинг табиий зарурлиги солиқларни объектив амал қилишини зарур қилиб қўяди, ваҳоланки, норентабел соҳанинг ижтимоий хизматлари асосан давлат томонидан амалга ошириладики, уларни молиялаштириш усули сифатида юзага чиқувчи солиқлар ҳам шу туфайли бевосита давлатга тегишли бўлади.

Солиқларнинг амал қилишини бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида икки ҳолат билан ифодалаш мумкин: биринчидан, давлатнинг қатор вазифаларини маблағ билан таъминлаш зарурлиги, иккинчидан, бозор иқтисодиёти қонун-қоидалари.

Давлатнинг бажарадиган функциялари ва вазифалари кўп бўлиб, бозор иқтисодиёти ривожлана бориши билан баъзи ижтимоий ҳимояланган бозор муносабатларига мос келмайдиган вазифалар йўқола борса, янги вазифалар пайдо бўла бошлайди. Буларга бизнинг республикамызда кам таъминланганларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш, бозор иқтисодиёти

инфратузилмасини ташкил қилиш кабилар киради. Давлат кучли ижтимоий-сиёсий тадбирларни амалга ошириш учун пенсионерлар, талабалар, кўп болали оналар ва бошқаларни маблағ билан таъминлаш зарурлигини англаб, айрим чекланган товарлар баҳосидаги фаркни бюджет ҳисобидан қоплайди ва ундан ташқари маҳаллаларда ижтимоий ҳимояга муҳтож кам таъминланганларга моддий ёрдамлар кўрсатади. Шу билан бирга, давлат жамият аъзолари осойишталигини сақлаш мақсадида ўзининг мудофаа қобилятини сақлаб ва мустаҳкамлаб туришга ҳам маблағлар сарфлайди, қолаверса, давлат фуқаролар хавфсизлигини сақлаш, мамлакатда тартиб-интизом ўрнатиш, уни бошқариш функцияларини бажариш учун ҳам кўплаб маблағ йўналтиришга мажбурдир. Бундай харажатларни амалга оширишнинг мажбурийлиги улар учун манба бўлган солиқларни объектив зарур қилиб қўяди.⁴

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромадларининг асосий кўрсаткичлари қуйидаги 1.1.1-жадвалда келтирилди.

1.1.1-Жадвал

2009-2011 йилларда Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромадларининг асосий кўрсаткичлари⁵

(минг сўм)

№	Кўрсаткич номи	2009 йил		2010 йил		2011 йил	
		млн.сўм	Улуши, %да	млн.сўм	Улуши, %да	млн.сўм	Улуши, %да
1.	Давлат мақсадли жамғармалар даромадларисиз - жами	10421,5	100	13116,9	100	16178,5	100
2.	Тўғри солиқлар	2769,4	26,6	3420,8	26,1	4238,8	26,2
3.	Эгри солиқлар	5162,6	49,5	6973,5	53,1	8656,1	53,5
4.	Мол-мулк солиғи ва ресурс тўловлари	1662,0	16,0	1974,8	15,1	2308,7	14,3
5.	Устама фойда солиғи	238,2	2,3	25,7	0,2	142,4	0,8
6.	Бошқа даромадлар	589,3	5,6	722,1	5,5	831,5	5,1

⁴ Муаллиф томонидан тузилган.

⁵ Манбаа: Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларига иловалар асосида муаллиф томонидан тузилган.

Юқоридаги жадвалда давлат бюджети даромадларининг асосий кўрсаткичлари: тўғри ва эгри солиқлар, мол-мулк солиғи, ресурс тўловлар, устама фойда солиғи ва бошқа даромадларини уч йиллик ўсиб бориш тенденциясини кўришимиз мумкин.

Ушбу жадвалда, тўғри солиқлар давлат бюджети даромадига нисбатан 2009 йилда 26,6 % ни ташкил этгани, 2011 йилга келиб эса бу кўрсаткич 26,2 % ташкил этаётганини, ҳамда бу кўрсаткич 3 йил давомида 0,4 %га тушган, аксинча эгри солиқлар эса шу йиллар давомида 4 % га ошганига аҳамият қаратишимиз лозим.

Қайд этиш лозимки, ҳозирга қадар давлатнинг функцияларини бажариш учун лозим бўлган молиявий маблағларни шакллантиришнинг солиқлардан бошқа усули жаҳон амалиётида қўлланилган эмас. Демак, ҳукмрон куч сифатида давлат мавжуд экан, молиялаштириш усули сифатида солиқлар амал қилади. Маълумки, жамият иқтисодий ҳаёти жуда мураккаб иқтисодий ҳодисалардан иборат бўлиб, ана шу мураккаблик бевосита солиқларга ҳам тегишлики, бу ҳолат солиқларни иқтисодий моҳиятини теран англашни тақозо этади.


Солиқлар мажбурий тўловларни ифода этувчи пуллик муносабатларни билдиради. Бу муносабатлар солиқ тўловчилар билан уларни ўз мулкига айлантирувчи давлат ўртасида бўлади. Давлат учун бюджет даромадларининг асосий манбаи ҳисобланган солиқлар катта аҳамиятга эга.

Солиқлар тўғрисидаги қарашлар тарихан объектив ва субъектив омилларнинг таъсирида шаклланган. Солиқларга доир турли таърифларни таҳлил қилиш уларнинг конкрет иқтисодий-ижтимоий тараққиётлар жараёнидаги моҳиятини асослаш, солиқларнинг иқтисодий ролини ва солиқ қонунчилигига асос бўлган солиқ тамойилларини белгилаш ҳамда солиқ тизимида, жамият тараққиётида мавжуд бўлган солиқларнинг тутган ўрнини аниқлаш зарурдир. Чунки, давлат пайдо бўлиши билан солиқлар

жамиятдаги иқтисодий муносабатларнинг зарурий талабларидан бири бўлиб ҳисобланиб келинган. Давлат тузилиш шакллари ривожланиши билан бир вақтда солиқ тизими ўзгарган ва такомиллаштирилган. Солиқ тизимининг ўзгариши ва такомиллаштирилиши солиқларнинг турлари, миқдорлари ва йиғиб олиш усуллари хилма-хил бўлганлиги билан асосланиб келинган. Давлат фаолиятининг барча йўналишларини маблағ билан таъминлашнинг асосий манбаларидан бири ва давлат устуворлигини амалга оширишнинг иқтисодий воситаси солиқлардир. Солиқ тизимини тартибга солиш ва мукаммаллаштириш молиявий тизимни ривожлантиришга ёрдам беради. Иқтисодиётни давлат томонидан солиқлар орқали тартибга солиш, давлат бюджети даромадларини шакллантириш солиқ солиш воситасида жамиятдаги у ёки бу жараёнларнинг ривожланишига таъсир этувчи усули ҳисобланади. Давлатнинг мавжудлиги солиқлар билан узвий боғлиқ, чунки солиқдан тушадиган тушумлар давлат иқтисодий мустақиллигининг асосий манбаи ҳисобланади.

Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти давлат бюджети даромадларида ўзига хос ўрин эгаллайди. Шу ўринда қуйидаги 1.1.1-рам орқали мамлакат ЯИМсини 2008-2012 йиллар давомидаги динамикасини кўриш мумкин.

Ушбу 1.1.1-расмда 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий иқтисодий инқирози даврида ҳам давлатимиз ялпи ички маҳсулоти ўсиб бориш тенденцияси манфий қисмга тушиб кетмаганлигига эътибор қаратиш лозим. Яъни 2007 йилга нисбатан 2008 йилда 9 %га ошганини, 2012 йилда эса 2011 йилга нисбатан 0,1 %га камайганини кўзатиш мумкин. Бу 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий иқтисодий инқирози бизнинг давлатимизга 2009 йилда етиб келганини, лекин шунда ҳам барқарор 8 % лик даражани мамлакатимиз иқтисодиётида ушлаб турилгани диққатга сазовор.



1.1.1-расм. Ўзбекистон Республикаси ЯИМ динамикаси⁶

Инсоният тарихида йирик давлат арбобларидан бири, ўрта асрларда буюк салтанат барпо қилган Амир Темур солиқларга катта эътибор қаратган. У давлатни идора қилиш тизимини юзага келтиришда асосан солиқларга таянган. Ўша даврнинг давлат молияси бу тизимнинг энг муҳим унсурларидан бири эканлиги, у давлатни бошқаришдаги барча жиҳатларига узвий боғланганлиги билан тубдан фарқ қилиб тургани ва айти шу хусусиятга кўра бошқарувнинг барча таркибий қисмлари орасида марказий ўринни эгаллаганлиги бугунги кунга келиб ҳаммага аён бўлмоқда.

Солиқлар қадимги даврлардан эътиборга олинган, аммо у вақтларда солиқлар озод ва эркин бўлмаган кишининг белгиси бўлиб хизмат қилган. Адам Смит (шотланд файласуфи ва иқтисодчиси, 1723-1790) ўзининг «Халқлар бойлигининг сабаблари ва табиатлари» номли китобида (1776) илк бор солиқ тамойилларини кўрсатиб берди, солиқларни аҳамиятини ёритиб, уларни давлатга тўлаш қуллик эмас, балки эркинлик аломати эканлигини асослаб берди.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларга асосланган ҳолда, муаллаф томонидан тузилган.

Н.И.Тургенев ўзининг «Солиқ назарияси тажрибаси» номли китобида (1818йил) шуни таъкидлайдики, ⁷«Билимли бўлишнинг муваффақиятлари уларнинг халқлар урф-одатларига фойдали таъсири даражасига қараб солиқлар тизимининг такомиллашувига ҳам таъсир этган», «...солиқлар билимга эга бўлиш билан бирга пайдо бўлиб, унинг белгиси бўлиб қолди.Солиқларнинг тайинланиши, тақсимланиши ва йиғилиш усулига қараб халқ орасида тарқалган маълумотлар тўғрисида; йиғиладиган солиқлар миқдорига қараб унинг бойлиги ҳақида фикр юритиш мумкин, бу билимлилиқ ва маърифатни англатадиган иккита энг асосий хусусиятдир» бу сўзлардан яна бир бор амин бўлиш мумкинки, солиқлар қадимий молиявий институтлар ҳисобланиб, давлатнинг пайдо бўлиши билан юзага келган. Солиқлар давлат органларини таъминлаш ва улар олдида турган вазифаларни бажарилишини моддий таъминлашнинг манбаси сифатида хизмат қилган. Давлатнинг ривожланиши билан унинг вазифа ва функциялари янгича хусусиятларга эга бўлди. Лекин солиқларнинг давлатни ва унинг органларини молиялаштиришда манба сифатидаги роли ўзгармай қолди.

«Солиқлар, - деб ёзади Д.Рикардо, - ҳокимият ихтиёрига келиб тушадиган ер маҳсулоти ва мамлакат меҳнатининг бир қисмини ташкил этади ва охир-оқибатда улар капитал ҳисобидан ёки мамлакат даромади ҳисобидан тўланади».⁸ Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, Д. Рикардо солиқлар моҳиятини ёритиб, ўз навбатида А. Смит томонидан яратилган солиқлар назариясини маълум даражада ривожлантирган.

С.Г.Пепеляев «Солиқ – оммавий ҳокимият субъектларининг тўлов қобилиятини таъминлаш мақсадида жисмоний ва юридик шахслар мулкларини бегоналаштиришнинг мажбурийлик, яқка тарзда холисона, қайтармаслик, давлатнинг мажбурлаши билан таъминланганлик

⁷ Н.И.Тургенев «Солиқ назарияси тажрибаси».- 1818 йил

⁸ Рикардо Д. Сочинения Т. I. Начало политической экономики и налогового обложения. Пер. с англ. - М.: «Госполитиздат», с.360.

асосларида ва жазо ёки контрибуция характерига эга бўлмаган қонунда белгиланган ягона шаклидир»⁹ - деб, таъкидлаган.

Д.Г.Черникнинг фикрича «Солиқлар – давлат томонидан хўжалик субъектлари ва фуқаролардан қонуний тартибда ўрнатилган ставкаларда ундириб олинadиган мажбурий йиғимларни ўзида акс эттиради».¹⁰

Ш.Гатаулин «. . . солиқлар ўзи нима ва улар нимага керак», деган саволга қўйидагича жавоб беради: «Солиқлар – бу давлат сарф-харажатларининг асосий манбаи бўлиб, иқтисодиётни тартибга солувчи ва даромадларни барқарорлаштирувчи воситадир»¹¹. Солиқлар давлат бюджети даромадларини ташкил этувчи асосий манба ва иқтисодиётни бошқарувчи муҳим қурол ҳисобланади. Бироқ бу таъриф солиқларнинг моҳиятини тўлалигича ёрита олмайди ҳамда солиқларнинг ташкилий-ҳуқуқий томонларини ўзида акс эттира олмайди. Бундан ташқари иқтисодий муносабат сифатида, бу муносабатлар объекти бўлиб нима ҳисобланади? Деган саволларга жавоб бера олмайди.

Айрим иқтисодчилар солиқларни миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш воситаси сифатида изоҳлашга ҳаракат қилганлар, - “Солиқлар – миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнида унинг бир қисмини давлат ихтиёрига олиш шаклидир”¹².

О.Олимжоновнинг фикрига кўра: «Солиқлар – давлат ва жамиятнинг пул маблағларига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида қонун томонидан белгилаб қўйилган ҳажмда ва ўрнатилган муддатда жисмоний ва ҳуқуқий шахслардан давлат ихтиёрига мажбурий равишда ундириб олинadиган тўловлардир»¹³. Солиқларга берилган мана шу таъриф энг мақбул таъриф бўлиб, солиқларнинг моҳияти, уларнинг иқтисодиётдаги ўрни ва ролини, солиқларнинг ҳаракат жараёнини назарий жиҳатдан

⁹ Пепеляев С.Г. Основы налогового права. М.: 1995, 24-бет

¹⁰ Черник Д.Г. Налоги в рыночной экономике. «Финансы», 1992, №3 с. 19.

¹¹ Гатаулин Ш. Солиқлар ва солиққа тортиш. Т.: 1996. 18 -бет.

¹² Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Т.: “Меҳнат”, 1995 й. 377-бет

¹³ Олимжонов. О. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида солиқ сиёсати. «Ҳаёт ва иқтисод», 1992.

чуқурроқ ёритиб, солиқлар ҳақида аниқроқ тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради. Бугунги кунда солиқ категориясини ҳар томонлама, кенгроқ ва батафсилроқ, шунингдек унинг моҳияти ва аҳамиятини, иқтисодий ривожлантиришдаги роли ва ўрнини, солиқларни назарий жиҳатларини аниқроқ ва тўлиқроқ ёрита оладиган таърифни келтириш муаммоси фанда мавжуддир.

Тарихан солиқлар, давлатни сақлаб туриш учун зарур бўлган мажбурий тўловлар сифатида, давлат пайдо бўлиши билан вужудга келган. Солиқлар, давлат фаолият кўрсатишининг моддий асосини ташкил этади, уларнинг иқтисодий табиати худди шу ердан келиб чиқади.

Бозор муносабатларининг шаклланиши даврида солиқлар корхоналарнинг иқтисодий фаолиятини тартибга солишнинг ҳам билвосита қуроли ҳисобланади.

Солиқни тўлаш ҳўжалик юритувчи субъектлар ва фуқаролар билан давлат ўртасида янгидан яратилган қийматни тақсимлашнинг асосий воситаси ҳисобланади. Бирор бир жамиятни солиқ тизимисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Чунки солиқлар бюджет даромадлари (пул фонди)ни ташкил этишнинг асосий воситаси бўлибгина қолмай маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга, ишлаб чиқаришни рағбатлантиришда инвестицияларни кўпайтиришга, рақобатбардош маҳсулотни кўпайтиришга, кичик бизнесни ривожлантиришга, хусусий корхоналар очиш билан боғлиқ бўлган бозор инфраструктурасини барпо қилишга, умумдавлат эҳтиёжларини қондиришга ва шу кабиларга хизмат қилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида давлат ўзининг ички ва ташқи вазибаларини, ҳар хил ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий чора-тадбирларни амалга ошириш учун зарур бўлган маблағларнинг асосий қисмини солиқлар орқали тўплайди. Жумладан, солиқлар республика ва маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантиради, давлат ижтимоий дастурлари учун молиявий негиз яратади, солиқ тўловчи шахсларнинг тадбиркорлик

фаолиятини бошқаради, уларнинг табиий ресурслардан унумли фойдаланишга бўлган интилишини рағбатлантиради, нарх белгилашга таъсир кўрсатади, аҳолининг турмуш даражасини тартибга солиб туради, имтиёзлар ёрдамида эса аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий ҳимоя қилишни ташкил этишга ёрдам беради.

У ёки бу иқтисодий категориянинг моҳиятини чуқурроқ англаш учун унга хос умумий белгиларни аниқлаш лозим бўлади. Масалан, кредит иқтисодий категория сифатида муддатлилик, қайтаришлик, муайян миқдорда устама ҳақ (фоиз) тўлаш каби умумий белгиларга эгаки, ушбу белгилар кредит категорияси моҳиятини кенгроқ ёритиш учун хизмат қилади. Худди шу каби солиқ категорияси ҳам бир қатор ўзига хос белгиларга эгаки, ушбу белгилар солиқларнинг бошқа тўловлардан фарқлаш учун хизмат қилади.

Солиқларнинг белгилари борасида иқтисодчи олимлар томонидан турли хил фикрлар мавжуд. Масалан, проф. Қ.Яҳёев солиқларни умумий белгилари сифатида қуйидагиларни кўрсатади.

1. Солиқлар ва йиғимлар мажбурий бўлиб, бунда давлат солиқ тўловчининг бир қисм даромадларини мажбурий бадал сифатида бюджетга олиб қўяди. Бу мажбурийлик Олий Мажлис тасдиқлаб берган Солиқ кодексининг қоидалари асосида амалга оширилади. Демак, мажбурийлик белгиси ҳуқуқий жиҳатдан давлат томонидан кафолатланади.

2. Солиқлар хазинага давлат бюджетига тушади. Аммо бошқа турдаги тўловлар «Умид», «Экосан» каби жамғармаларга тушиши солиқ муносабатларини акс эттирмайди.

3. Солиқлар қатъий белгиланган ва доимий ҳаракатда бўлади. Тарихан асрлаб ўзгармай ҳаракатда бўлган солиқлар мавжуд. Унинг илмий асоси қанча чуқур бўлса, шунча қатъий ва узоқ йиллар ўзгармасдан ҳаракат қилади.

4. Давлатга тўланган солиқ суммаси тўловчининг ўзига тўлиқ қайтмайди, яъни у эквивалентсиз пул тўловидир¹⁴.

Рус иқтисодчиси А.Медведев ўзининг «Солиқларни қандай режалаштирмоқ керак» номли китобида солиқларга хос бўлган икки белгини, яъни мажбурийлик ва эквивалентсизлик каби белгиларни қайд этади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, солиқларнинг умумий белгиларини қуйидагича ифодалаш мумкин:

1. Солиқ тўловчи даромадининг у ёки бу суммасини давлатга тўлар экан, бунинг эвазига бевосита бирон-бир товар ёхуд хизмат олмайди. Алоҳида олинган солиқ тўловчи томонидан тўланган солиқ миқдори билан у истеъмол қиладиган ижтимоий неъматлар ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик мавжуд бўлмайди. Худди ана шу хусусиятига кўра солиқ нархдан, рухсатнома (лицензия) лар ва воситачилик йиғимларидан фарқ қилади, чунки булар мажбурий ёки ихтиёрий тўловлар ҳисоблансада, бироқ ҳамма вақт давлат томонидан кўрсатилган хизматдан муайян фойда (наф) кўрилиши билан боғлиқдир.

Давлатга тўланадиган солиқлар билан унинг эвазига олинадиган иқтисодий ва ижтимоий неъматлар ўртасида бевосита, ҳар бир кишининг кўзи илғайдиган боғлиқликнинг йўқлиги солиқ тўловчилар учун солиққа тортишни юк сифатида баҳолашлари сабаб бўлади, ваҳоланки, улар солиқлар ҳисобидан қилинадиган давлат харажатларининг йўналишини маъқуллашлари ҳам мумкин.

Алоҳида олинган солиқ тўловчи одатда жамият ва ўзининг кўрган фойдаси ёки манфаатини тўлаган солиқлари билан солиштириб ўтирмайди. Бу шунга олиб келадики, оқибатда фуқароларнинг бир қисми солиқлар тўлашдан бўйин товлашга, ўз даромадларини яширишга уринади. Давлат ўз фуқароларидан йиғиб олган солиқларни самарали ва ошкора тарзда

¹⁴ Яхёев Қ. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. Т.: «Ғафур Ғулом» 2000 й. 10-бет.

ишлатса ҳамда фуқароларнинг аксарият қисми давлатнинг иқтисодий ижтимоий ва бошқа дастурларини ўз маблағлари ҳисобидан пул билан таъминлашга рози бўлгандагина юксак солиқ ахлоқи тамойиллари юзага келади.

2. Солиқлар мажбурий тўловлар ҳисобланади. Солиқларнинг тўлиқ миқдорда ва ўз вақтида тўланиши учун жавобгарлик солиқ тўловчилар зиммасига юкланган бўлсада, улар ихтиёрий эмас, мажбурий равишда тўлайдилар, давлат солиқ тўлашдан бўйин товлаганларни қонунчиликда белгиланган тартибда жазолайди.

3. Давлат фойдасига солиқ тўлаш орқали даромаднинг аввалдан белгилаб қўйилган, энг муҳими, қонуний тартибда кўзда тутилган қисми ундириб олинади. Кўпгина давлатларда, шу жумладан, Ўзбекистоннинг ҳам қонунларида солиқларни белгилаш ва уларнинг ҳажмларини аниқлашга фақат қонун чиқарувчи ҳокимият ёки унинг томонидан ваколат берилган давлат органлари ҳақлидирлар, деб мустаҳкамлаб қўйилган. Ўзининг хоҳиш-истагига қараб янги солиқлар белгилаш ёки уларнинг ҳажмларини аниқлашга ҳеч ким ҳақли эмас. Тўловларнинг қонуний, очиқ-ойдин хусусиятга эга бўлиши солиқларнинг бош тавсифи ҳисобланади.

4. Солиқларнинг яна бир белгиси уларнинг давлат ёки маҳаллий бюджетга келиб тушишидир, яъни солиқлар бюджетдан ташқари фондлар ёки турли хил бошқа фондларга келиб тушмайди.

5. Солиқларга хос бўлган умумий белгилардан бири сифатида давлат ҳамда юридик ва жисмоний шахслар ўртасида мулкчиликни қайта тақсимлаш жараёнини юзага келишидир. Соддароқ қилиб айтганда, корхоналар ва аҳолидан олинadиган солиқлар, аслида улар мулкчининг маълум бир қисмини давлат ҳисобига ўтказилишини билдиради. Бу билан хўжалик юритувчи субъектларга тегишли бўлган мулк даромад шаклида мажбурий тўлов бўлиб, давлат мулкига айланади.

Юқорида қайд этилган солиқларга хос бўлган умумий белгилар уларни иқтисодий моҳиятини очишга хизмат қилади. Шу ўринда солиқларнинг умумий белгиларини тўлиқроқ ва аниқроқ, батафсил ёритиши мумкин бўлган, ҳар қандай иқтисодий вазиятларда ўзгармайдиган оптимал умумий белгиларини яратиш муаммоси ҳал этилиши лозимдир.

Солиқ категорияси бошқа иқтисодий категориялар: молия, кредит, суғурта, инвестиция кабилар билан умумий ўхшашликка эга, яъни уларнинг барчаси пулли муносабатларни ифодалайди. Лекин солиқларнинг ўзига хос юқорида қайд этилган белгилари мавжудки, ушбу белгилар солиқларни бошқа иқтисодий категориялардан фарқлаш учун хизмат қилади.

1.2. Солиқларнинг асосий функциялари ва тамойиллари

Солиқларнинг иқтисодий моҳияти давлат билан ҳуқуқий ва жисмоний шахслар ўртасида вужудга келувчи объектив мажбурий тўловларга асосланган молиявий муносабатлар орқали характерланади. Бу молиявий муносабатлар махсус ижтимоий характерга эга бўлиб, миллий даромаднинг бир қисми бўлган пул маблағларини давлат ихтиёрига сафарбар қилишга хизмат қилади.

Солиқларнинг моҳияти уларнинг бажарадиган функцияларидан келиб чиқади. Ҳар бир иқтисодий категориянинг ўз функцияси мавжуд. Солиқ мустақил категория сифатида ўзи бажарадиган функцияларга эга бўлиб, бу функциялар солиқ категориясининг амалдаги ҳаракатини ифодалайди. Функция деганда, одатда, категориянинг кўп қайтариладиган, такрорланадиган доимий ҳаракатларини тушуниш лозим.

Солиқларнинг функциялари тўғрисида фанда турли хил қарашлар мавжуд. Ғарб иқтисодчилари кўпчилигининг назариялари Англиялик иқтисодчи Ж.М.Кейнснинг концепциясига асосланади. Бу концепцияга

кўра солиқлар фискал функциясидан ташқари иқтисодиётни тартибга солиш, рағбатлантириш ва даромадларни бошқариш воситаси функцияларига эга, солиқнинг бу функциялари уни иқтисодиётни тартибга солиш ва иқтисодий барқарор ўсишни таъминлаш воситаси сифатида фойдаланиш зарурлигидан келиб чиқади.

Неокейнсчилик йўналиши вакиллари бўлган Л.Харрот, Н.Кальдор, А.Хансен ва П.Самуэльсонларнинг фикрига кўра солиқлар иқтисодиётни тартибга солиш функциясига эга. Улар солиқ ставкаларини ўзгартириш ва турли хил имтиёзлар бериш йўли билан бу функцияни бажариш мумкин, деб ҳисоблайдилар.

Солиқларнинг даромадларни бошқариш функциясини юзага келишига француз иқтисодчиси Э.Де.Жирарденнинг назарияси асос бўлган. Бу назарияга кўра солиқлар ёрдамида солиққа тортишнинг прогрессив шкаласини қўллаш йўли билан жамият аъзолари ўртасидаги мулкый тенгсизликка барҳам бериш мумкин. Ҳозирги кунда бу назариянинг давомчилари бўлиб, америкалик иқтисодчилар А.Илерсик, Г.Коул, француз иқтисодчилари М.Клюдо, Ж.Фурастье ҳисобланишади. Уларнинг фикрига кўра давлат солиқлардан ва трансфер тўловларидан фойдаланиш йўли билан жамият миллий даромадини камбағаллар фойдасига қайта тақсимлайди. Бу назариялар солиқларнинг даромадларни тартибга солиш функцияси мавжуд деган хулоса келиб чиқишига сабаб бўлди.

И.Мальмигиннинг фикрига кўра солиқлар уч функцияни бажаради, яъни фискал, тақсимлаш ва рағбатлантириш функцияларидир. Унинг фикрига кўра биринчи функция давлат даромадлари манбаларининг ташкил топиши билан боғлиқ, иккинчиси ҳуқуқий ва жисмоний шахсларнинг даромадларини тақсимлашни назарда тутади. Рағбатлантириш функцияси турли имтиёзлар ва енгилликлар бериш йўли билан амалга оширилади.¹⁵ Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, Ғарб иқтисодий

¹⁵ Мальмигин И. Налоги как элементы финанса. М.: перевод с англ. 1997 г. стр. 69

адабиётларидаги даромадларни бошқариш функцияси И.Мальмигинда тақсимлаш функцияси сифатида намоён бўлмоқда.

Солиқларнинг функциялари уларнинг моҳиятини амалиётда ҳаракат қилаётганлигини кўрсатади. Шундай экан, функция доимо яшаб, солиқ моҳиятини кўрсатиб туриши зарур. Демак, функция категорияси доимий, қатъий такрорланиб турадиган воқеликни ифодалайди. Шундай услубий ёндашишдан келиб чиқиб солиқлар функциясини аниқлаш керак.

Солиқларнинг функциялари масаласида ҳозирга қадар олимлар ўртасида катта баҳслашувлар мавжуд, лекин ягона бир фикрга келинган эмас. Кўпчилик иқтисодчилар солиқларга фискал, бошқарувчи, рағбатлантирувчи, назорат функциялари ҳос деб таъриф беришади.

Солиқларнинг қуйидаги асосий функцияларини ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқдир: солиқнинг фискал функцияси, тартибга солиш функцияси, рағбатлантириш функцияси, назорат функцияси, солиқни ҳисоблаш жараёнини ахборот билан таъминлаш функцияси.

Солиқларнинг асосий функцияси – фискал функция ҳисобланиб (лотинча *fiscus* сўзидан олинган бўлиб, хазина деган маънони англатади), бу функциянинг моҳияти шундан иборатки, солиқлар ёрдамида давлатнинг молия ресурслари ҳосил қилинади ҳамда давлат фаолият кўрсатиши учун моддий шароит яратилади. Солиқлар орқали корхоналар ва фуқаролар даромадининг бир бўлагини давлат бошқарувини, мамлакат муҳофафасини, умуман ноишлаб чиқариш соҳасини сақлаб туриш мақсадида ундириб олиш йўли билан давлат бюджетининг даромад қисмини шакллантири – солиқлар фискал функциясининг энг муҳим элементи ҳисобланади.

Ишлаб чиқаришнинг ривожланиши билан фискал функциянинг аҳамияти ошиб боради. Ишлаб чиқариш ижтимоий тусдалигининг чуқурлашиши фан-техника тараққиётининг ривожланиш муносабати билан асосан солиқлар ҳисобига шакллантириладиган молиявий ресурслар оқимини кўпайтиришнинг реал зарурати юзага келади. Давлат

иқтисодий ва ижтимоий тадбирларга кўпроқ эътибор берган сари молиявий ресурсларни кўпроқ сарфлайди, лекин солиқ тизими ўзининг фискал функцияси вазифаларини бажариши жараёнида ишлаб чиқаришнинг ўсишига, жамғариш жараёнига халал бермаслиги, ижтимоий адолатни бузмаслиги ҳамда иқтисодиётнинг умумий тузилмасида бузилишлар содир бўлишига йўл қўймаслиги, бозор жараёнига путур етказмаслиги керак.

Солиқларнинг ушбу функцияси орқали пайдо бўладиган пул ресурслари давлат бюджети орқали қайта тақсимланади, улар ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга, устувор тармоқларни инвестициялашга йўналтирилади.

Жаҳон амалиётида ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган шахслар учун солиқ имтиёзлари ва юқори даромад олувчи шахслар учун прогрессив ставкалар белгилаш ҳам қўлланади, яъни аҳолининг кам даромад оладиган қисмини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида даромадларни бир қисми қайта тақсимланади.

Бозор муносабатларининг шаклланиши ва ривожланиши шароитида солиқларнинг иккинчи муҳим функцияси уларнинг иқтисодиётдаги *тартибга солувчилик* роли ҳисобланади, яъни давлат солиқлар орқали товарлар, хизматларни ишлаб чиқариш ва сотишнинг иқтисодий шарт-шароитини тартибга солади ва бу билан иқтисодиёт тармоқларининг иқтисодий фаолиятини амалга ошириш учун муайян «солиқ муҳити»ни яратади. Ушбу функция орқали давлат солиқ тизимига таъсир кўрсатади, яъни муайян тармоқда ишлаб чиқариш суръатларини рағбатлантиради ёки жиловлаб туради, сармоянинг бир тармоқдан солиқ муҳити энг маъқул бўлган бошқа тармоққа қўйилишини кучайтиради ёки пасайтиради, шунингдек, аҳолининг тўловга қобил талабини кенгайтиради ёки камайтиради.

Солиқларнинг тартибга солувчи сифатидаги функциясининг аҳамияти бозор муносабатлари шароитида ўсиб боради, бу даврда тадбиркорларни маъмурий қарам қилиш усуллари йўқ бўлиб кетади ёки жуда оз ҳолда қолади, корхоналар фаолиятини фармойишлар, кўрсатмалар ва буйруқлар ёрдамида идора қилиш ҳуқуқига эга бўлган «юқори ташкилот» тушунчасининг ўзи аста-секин кучсизланиб боради. Бироқ иқтисодий фаолликни изга солиб туриш, унинг ривожланишини жамият учун мақбул бўлган йўналишда рағбатлантириш зарурати сақланиб қолади.

Рағбатлантириш функцияси солиқ тизимининг энг муҳим функцияларидан бири бўлиб, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, моддий хом-ашё ресурслари, шунингдек молиявий ва меҳнат ресурслари, жамғарилган мол-мулкдан самарали фойдаланишга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатади, яъни солиқ юкини камайтириш орқали ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, молиявий аҳволни мустаҳкамлашга ва инвестиция фаолиятини жонлантиришга рағбатлантиради. Солиқларнинг рағбатлантириш функцияси орқали давлат иқтисодиёт тараққиётини таъминлайди, бу билан фискал функцияни бажариш учун базани кенгайтиради ва ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаб, давлат оқилона солиқ сиёсатини олиб бориш йўли билан солиқ юкини оширмасдан хўжалик юритувчи субъектларнинг эркин фаолият кўрсатиши таъминланади.

Солиқларнинг назорат функцияси солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган, солиққа тортиш объекти, солиққа тортиладиган база, имтиёзлар сингари ва ҳоказо тегишли солиқ кўрсаткичларининг ҳисоб-китобларини текширишдек анча мураккаб жараёндан иборат. Солиқ ҳисоби солиқ идораларига белгиланган солиқ ҳисоби шакллари орқали солиқ тўловчилар ўзларининг солиқ мажбуриятларини қандай бажараётганликларини янада самарали назорат қилиш имконини беради.

Солиқларни ҳисоблаш жараёнини *ахборот билан таъминлаш функцияси* ҳам муҳим аҳамият касб этиб, бу функция орқали харажатлар ҳажми ва конкрет солиқли тушумлар давлатнинг қандай ижтимоий-иқтисодий функцияларини бажаришга сарфланганлиги тўғрисида ахборот бериб турилиши жуда зарурдир. Шундай қилинса, солиқларнинг бюджетга тушиши тўлиқ, ўз вақтида ва осон кечади.

Солиқ функцияларини қисқача кўриб чиқилиши солиқлар молия ресурсларини тиклаш, хўжалик фаолиятини тартибга солиш ва даромадларни ижтимоий жиҳатдан аҳамиятли мақсадлар учун қайта тақсимлаш бўйича муҳим вазифаларни бажаради деб хулоса чиқариши учун имкон беради.

Солиқларнинг иқтисодиётдаги юқорида таъкидланган муҳим ўрнини белгиловчи бир қанча функциялари мавжуд. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг ҳозирги ривожланиш босқичида солиқларнинг ўрнини белгиловчи қуйидаги асосий омилларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг зарурлиги. Маълумки, республикамизда иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва давлат қурилишини амалга ошириш мамлакат Президенти А.Каримов томонидан илгари сурилган беш асосий тамойилга асосланади. Бу қоидалардан бири кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишдир. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида аҳоли, айниқса, унинг кам таъминланган қатламлари етарли даражада ижтимоий ҳимояланган бўлиши керак.

Солиқ элементлари ҳақида гап борганда кўпинча адабиётларда солиққа тортиш тизими ҳақида сўз юритилади. Шу ўринда солиққа тортиш тизими солиқ тизимига нисбатан тор тушунча бўлиб, аслида солиқ тизими таркибини ташкил этади. Солиқ тизими солиққа оид барча муносабатларни қамраб олса, солиққа тортиш тизими эса солиқларни ундириш бўйича иқтисодий-ҳуқуқий муносабатларини ўз ичига олади. Шу жиҳатдан солиққа тортиш тизими қонун чиқарувчи ҳокимият томонидан қонун йўли

билан белгиланган ҳамда ижро ҳокимияти томонидан солиқларни ташкил этиш усуллари, элементлари ва тамойиллари мажмуасидан иборат. Солиққа тортиш тизимининг моҳияти гарчанд ўзгармас бўлиб кўринсада, унинг шакл-шамойили ва йўналиши давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатига, қолаверса солиқ сиёсатининг мазмунига боғлиқ бўлади. Чунки, солиққа тортиш тизими ўз ичига таркибан солиқ элементлари, солиқларни ташкил этиш тамойиллари ва усуллари олади, бу элементларнинг қай даражада талқин этилиши эса бевосита давлат сиёсати йўналишига боғлиқ. Масалан, солиқ элементларига кирувчи солиқ ставкасининг қайси турларининг кўпроқ амал қилиши, солиқ имтиёзларининг белгиланиши, солиқларни ундиришни қайси усулларида устуворлик билан фойдаланиш асосан ижро ҳокимияти фаолиятининг мазмунига боғлиқ. Бинобарин, шу маънода худди солиқларни вазифалари каби солиққа тортиш тизими ҳам ҳар бир давлатда ўзига хос тарзда амал қилиши ва ташкил этилиши мумкин.

Демак, давлат қонунчилиги билан белгиланган ва унинг махсус идоралари томонидан ундириладиган солиқларни ташкил этиш усуллари, элементлари ва тамойиллари мажмуига солиққа тортиш тизими деб аталади.

Солиққа тортиш тизимининг асосий бўғини ҳисобланган солиқ элементлари эса солиққа тортишда ифодаланадиган тушунчалар бўлиб, улар солиқ тўловчилар ва давлат бюджети ўртасидаги иқтисодий-ҳуқуқий муносабатларда намоён бўлади.

Солиқ назариясида солиққа оид муносабатларни тўлиқ ва теранроқ ифода этиш учун иқтисодий воқеликларни ҳар бир кичик гуруҳлари муайян номдаги иборалар билан изоҳланади. Солиқ элементлари ҳам худди шундай солиққа оид иқтисодий ҳодисаларни изоҳлашга хизмат қилувчи яхлит тушунчадир. Солиқ элементлари тушунчаси солиққа тортиш тизимини муҳим таркибий қисми бўлиб, унинг ўзи ҳам кичик

тизимни ташкил этади, яъни солиқ элементлари ҳам бир неча иқтисодий категорияларни яхлит ҳолдаги ҳаракатини билдиради.

Солиқ элементлари бир нечта тушунчалардан иборат бўлиб, улар таркибан: солиқ субъекти, солиқ объекти, солиқ предмети, солиқ манбаи, солиққа тортиш бирлиги, солиқ ставкаси, солиқ имтиёзлари, солиқ нормаси, солиқни тўлаш муддатлари, солиқ юки, солиқ базасини ҳисоблаш усуллари, солиққа тортиш усуллари каби тушунчаларни қамраб олади. Қуйида солиқ элементларининг ҳар бирига қисқача тўхталиб ўтамиз.

Солиқ субъекти – солиқ тўлаш мажбурияти юкланган юридик ва жисмоний шахслар ёки бошқача қилиб айтганда солиқ субъекти – бу солиққа оид муносабатларни ташкил этувчи томонларнинг ўзаро мажмуаси бўлиб, унда бир томондан солиқ тўловчилар (юридик ва жисмоний шахслар) бошқа томондан солиқни ундириш ваколати юкланган солиқ хизмати органлари – Давлат солиқ қўмитаси, солиқ бошқармалари, туман ва шаҳар давлат солиқ инспекциялари қатнашади. Ўз фаолиятида барча юридик ва жисмоний шахслар солиқ субъекти сифатида намоён бўлмайди. Чунки, бу ерда солиқлардан батамом озод этилувчи юридик ва жисмоний шахслар мавжудки, улар солиқ субъекти сифатида солиқ муносабатларида иштирок этмайдилар.

Солиқ агенти – юридик ва жисмоний шахслардан солиқни ушлаб қолиш ва давлат бюджетига ўтказиб берувчи юридик шахслар. Бундай юридик шахслар ўз фаолиятида бевосита ёки билвосита иштирок этган хўжалик юритувчи субъектлар, яъни юридик ва жисмоний шахсларнинг мазкур корхонада ўз меҳнати, инвестицияси билан иштирок этиши натижасида олган даромади (фойдаси)дан солиқларни ушлаб қолади ва давлат бюджетига ўтказиб беради. Солиқ агентлари давлат бюджетига солиқларни бевосита ёки билвосита ишга ёллаганлиги натижасида тўланадиган иш ҳақидан, дивидендлардан, доимий муассаса орқали фаолият кўрсатмайдиган норезидент юридик ва жисмоний шахслардан

ушланиши лозим бўлган солиқ суммаларини ушлаб қолади ва бюджетга ўтказиб беради, ушлаб қолинмаган, кам ушлаб қолинган ва ўз вақтида ўтказиб берилмаган солиқ суммаси учун қонунчиликда белгиланган молиявий, маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиладилар. Ҳар бир юридик шахс солиқ муносабатларида солиқ субъекти бўлиши билан биргаликда солиқ агенти сифатида ҳам иштирок этади. Солиқ агенти иқтисодий адабиётларда асосан фискал агент сифатида қайд этилади.

Солиқ объекти – солиқ тўловчининг солиқ ҳисобланадиган ва солиққа тортиш учун асос бўлиб хизмат қиладиган даромади, обороти ва мол-мулки тушунилади. Солиқ объекти сифатида фойда ёки даромад, муайян товарларни қиймати, ер майдони, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулклари, табиий ресурслардан фойдаланиш миқдори ва бошқалар киради. Солиқ объекти аслида жамиятдаги мавжуд моддий ва маънавий бойликларнинг айримларига қонун йўли билан улардан фойдаланувчи, эгалик қилувчи ва тасарруф қилувчи солиқ субъектларининг ҳуқуқларини солиққа тортишни ифодалайди. Бинобарин, моддий ёки маънавий бойликлар солиқ объекти қилиб албатта унга мулкӣ ҳуқуқга эга бўлгандагина юзага чиқади. Масалан, эгасиз иморатга солиқ солинмайди, чунки эгасиз иморатга нисбатан солиқ субъекти мавжуд эмас, ваҳоланки, бўлган тақдирда ҳам солиқ объекти сифатида иморат эмас, балки ушбу иморатга бўлган мулкӣ ҳуқуқга солиқ солинади. Шу жиҳатдан айтиш мумкинки, солиқ объекти аслида юридик ва жисмоний шахсларнинг мулкӣ ҳуқуқи ва даромадига қаратилади.

Солиққа тортиш предмети – солиқ солинадиган даромад, оборот, мол-мулк ва бошқаларга бўлган ҳуқуқ эмас, балки уларнинг ўзидир, яъни солиқ солиш объекти бўлиб бирор-бир солиқ предметига бўлган ҳуқуқ тушунилса, предмет бўлиб ана шу эгалик қилинадиган даромад, ер участкаси, иморат ва бошқаларнинг ўзи тушунилади. Солиқ объекти ёки солиққа тортиш предмети, унга ким эгалик қилиш ҳуқуқига эга бўлса, унда

солиқни тўлаш мажбурияти, яъни солиқ субъектини намоён қилади. Демак, айтишимиз мумкинки, солиққа тортиш предметиға эгалик қилиш ҳуқуқи солиқ объектини вужудга келтирса, ўз навбатида ушбу предметга кимнинг эгалик қилиши солиқ субъектини ёки солиқ тўловчисини намоён этади.

Солиқ манбаи – бу солиқ тўловчининг тўлайдиган солиқлари манбаи, яъни даромади. Солиқ объекти ва солиқ манбаини бир-биридан фарқлаш лозим. Айрим солиқ турлари бўйича, масалан, фойдага, ялпи даромадга, жисмоний шахсларнинг даромадига солиқлар бўйича солиқ объекти ҳам солиқ манбаи ҳам бир хил бўлади, яъни нима объект бўлса, унинг ўзи манба ҳисобланади.

Шу ўринда солиққа тортиш предмети, солиқ объекти ва солиқ манбаини фарқлаш ва уларнинг моҳиятини очиқ бериш учун аниқ солиқ тури бўйича кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз. Ер солиғи бўйича кўрадиган бўлсак, унинг солиққа тортиш предмети бўлиб, ер участкаси майдони, унга кимнинг эгалик қилиш ҳуқуқи мавжуд бўлса солиқ объекти пайдо бўлади ва ушбу ер солиғи қайси манба ҳисобидан давлат бюджетига тўланса, масалан, ердан турли хил кўринишда фойдаланиш натижасида олинадиган даромад унинг манбаи ҳисобланади. Демак, солиққа тортиш предмети ўз-ўзидан кимдадир солиқ тўлаш мажбуриятини вужудга келтирмайди. Мисолимизга қайтадиган бўлсак, ерга бўлган ҳуқуқни жойлардаги маҳаллий ҳокимият органлари беради ва шу билан биргаликда ердан фойдаланувчида солиқ тўлаш мажбурияти вужудга келади, чунки унда ушбу ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи мавжуд. Демак, солиқ предметиға кимнинг эгалик қилиш ҳуқуқи мавжуд бўладиган бўлса, у солиқ муносабатларида солиқ субъекти сифатида иштирок этади.

Солиқ базаси – солиқ объектининг солиқ ставкаси қўлланиладиган миқдори. Ҳисобланадиган солиқ миқдори нафақат солиқ ставкаларининг миқдорига, шу билан биргаликда солиқ ставкаси қўлланиладиган

объектнинг миқдorigа ҳам боғлиқ. Солиқ базасининг миқдори қонунчиликда солиққа тортилиши лозим бўлган солиқ объектидан рухсат этиладиган чегирмаларга боғлиқ равишда ўзгариб туриши мумкин. Солиқ базасини солиқ тўловчиларнинг мазкур тоифасига тақдим этиладиган солиқ имтиёзларига мувофиқ равишда камайтиришга рухсат этилади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, солиқ базаси солиқ объектидан катта ёки кичик бўлиши мумкин. Масалан, солиқ тўловчига солиқдан имтиёзлар кўзда тутилган бўлса, бундай шароитда солиқ базаси солиқ объектидан кичик, солиқ объекти қонунчилик билан кенгайтириладиган бўлса ундан кичик бўлиши мумкин.

Солиққа тортиш бирлиги – бу объектнинг ўлчов бирлиги. Масалан, даромад ёки мол-мулк солиғида объектнинг ўлчов бирлиги бўлиб унинг сўмдаги баҳоси ифодаланса, ер солиғида ўлчов бирлиги бўлиб 30 км ёки гектар ҳисобланади.

Солиқ ставкаси – объектнинг ҳар бир бирлиги учун давлат томонидан белгилаб қўйилган меъёрдир. Солиқ ставкаси солиқ элементлари ичида энг кўп амалий аҳамиятга эга бўлган унсурдир. Чунки, солиқ ставкаларини ўзгартириш орқали давлат хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига сезиларли таъсир этади, айрим фаолият, соҳага устуворлик берилиши, капитал зарур соҳаларга йўналтирилиши, рағбатлантирилиши мумкин.

Солиқ имтиёзлари – солиқ тўловчиларга солиқлар бўйича турли хил енгилликлар бўлиб, улар вақтинчалик ва доимий, тўлиқ ёки қисман ва бошқа кўринишларда берилиши мумкин. Солиқ имтиёзларининг турлари, амал қилиш механизмлари, белгилаш мезонлари мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Солиқ базасини ҳисоблаш усуллари. Солиқ базасини ҳисоблашнинг икки хил усули мавжуд бўлиб, улар *касса усули* ва *ҳисобга олиш усуллари*дир. Касса усулида солиқ тўловчида солиқларни тўлаш

мажбуриятлари даромад олганидан кейин вужудга келса, ҳисобга олиш усулида эса даромад олинган ёки сотишдан тушум қачон келиб тушишидан қатъий назар товарларни жўнатилиши ўз навбатида солиқларни тўлаш мажбуриятларини вужудга келтиради.

Солиққа тортиш усуллари уч хил кўринишда амалга оширилиб. Улар қуйидагиларга: солиққа тортишнинг *кадастрли, декларация* ва *манба олдидан солиққа тортиш* усулларига ажратилади.

Солиқларни тўлаш муддатлари ва тартиблари. Солиқ қонунчилигида ҳар бир солиқ турининг бюджетга тўлаш муддатлари белгиланган. Солиқни тўлаш муддатлари деганда солиқ тўловчиларнинг давлат бюджети олдидан солиқ мажбуриятларининг бажариш муддати ифодаланади. Солиқни тўлаш муддатлари ўз моҳиятига кўра икки хил кўринишга эга: *аванс (бўнак) тўловлари* ва *ҳақиқий даромад олинганидан кейинги тўловлар*.

Солиқни тўлаш тартибида эса: солиқни йўналтирилганлиги (бюджетга ёки бюджетдан ташқари фондларга), солиқни тўлаш воситаси (миллий валюта, сўмда ёки бошқа мамлакатлар миллий валютасида. Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигига мувофиқ солиқлар фақат миллий валюта, сўмда тўланиши мумкин) ҳамда солиқни тўлаш шакллари (нақд пул ёки нақд пулсиз) ифодаланади.

Солиқ юки – солиқ тўловчининг муайян вақт оралиғидаги фаолияти натижасида тўлаган солиқларининг йиғиндисини ифодалайди. Бунда солиқ тўловчиларнинг тўлайдиган барча солиқлар ва солиқсиз мажбурий тўловларининг йиғиндиси ифодаланади. Солиқ юкининг аниқ солиқ тўловчилар зиммасига қанча тўғри келганлигини аниқлаш анча мураккаб жараён ҳисобланади. Бироқ тўғри солиқларда солиқ оғирлиги айнан солиқни бюджетга ҳисоблаб ўтказувчи солиқ тўловчилар зиммасига тушса, эгри солиқларда эса солиқ 31кки солиқни тўловчилар эмас, балки товар (иш, хизмат) ларни истеъмол қилувчилар зиммасига тушади. Муайян

турдаги юридик ва жисмоний шахслар бўйича солиқ юкининг бир йилда бюджетга тўланган барча мажбурий тўловлар йиғиндиси билан аниқлаш мумкин. Солиқ юкининг даражаси ўз навбатида мамлакатнинг иқтисодий кудратига, инфляция даражасига, давлатнинг ваколатли функцияларни кўллашига, қолаверса бозор муносабатларининг ривожланишини ва ижтимоий ҳаракат доирасига бевосита боғлиқ бўлади.

Солиқларнинг мамлакат иқтисодиётига таъсири, асосан, уларнинг ставкалари даражасининг миқдори билан белгиланади. Республика солиқ тизимининг шаклланишини ҳозирги босқичида солиқ ставкаларининг даражаси энг мунозарали масалалардан ҳисобланади.

Солиқ ставкалари республика ва маҳаллий бюджетлар харажатларини маблағ билан таъминлашда мувозанат даражасини ҳамда хўжалик субъектларининг молиявий имкониятларини белгилайди. Демак, улар молия-бюджет муносабатларини соғломлаштириш билан чамбарчас боғлиқдир. Солиқ ставкалари корхоналарнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаганлари ҳолда, молия-бюджет муносабатларининг пул муомаласига кўрсатадиган салбий таъсирига барҳам бера олиши ҳам керак. Бу эса, республикамизда амалга оширилаётган солиқ ислохотининг муҳим жиҳатини ташкил этади.


Солиқ элементлари таркибида солиқ ставкалари алоҳида ўрин тутади. Иқтисодий адабиётларда солиқ ставкаси деганда солиқ объектининг ҳар бир солиқ бирлиги учун давлат томонидан белгилаб қўйилган меъёр тушунилади.

Солиқ ставкасининг аҳамияти солиқ объектини қанча қисми қандай миқдорда мажбурий тўлов сифатида бюджетга ундиришини характерлайдиган масалага жавоб беради.

Солиқ ставкаларини моҳияти шундаки, улар солиқ объекти, солиқ бирлиги ва солиқ нормаларига асосланган ҳолда солиқ механизмини самарали ишлашини таъминлайди. Солиқ ставкаларидан давлат томонидан

иқтисодиётни тартибга солиш воситаси сифатида фойдаланилса, бошқа томондан солиқ имтиёзларини бир тури сифатида улар орқали ишлаб чиқаришни ривожлантиришга рағбатлантириш ролидан фойдаланилади.¹⁶

Солиқ ставкаси турларини куйидаги 1.2.1-расм орқали кўриб чиқиш мумкин.



1.2.1-расм. Солиқ ставкаси турлари.¹⁷

Солиқ ставкалари икки хил кўринишда: қатъий ставкаларда ва нисбий (фоиз) ставкаларда ифодаланади. Солиқ ставкаси қатъий ставкада белгиланган ҳолда солиқ объектига нисбатан қатъий сўмда белгиланади. Масалан, ер солиғининг ҳар бир гектари учун қатъий сўмда солиқ миқдори ўрнатилган. Юридик ва жисмоний шахсларнинг даромадларига, мол-мулкларига эса нисбий ставкада ёки фоизда солиқ миқдори белгиланган.

¹⁶ Ваҳобов А., Жўраев А.-“Солиқ ва солиққа тортиш” дарслик.-“Шарқ” нашрёти.-Тошкент.-2009 й.

¹⁷ Муаллиф томонидан тузилган.

1.БОБ. бўйича хулоса

Юқоридаги бобда солиққа тортиш предмети, солиқ объекти ва солиқ манбаини фарқлаш ва уларнинг моҳиятини очиб бериш учун аниқ солиқ тури бўйича кўриб чиқилди. Ер солиғи бўйича кўрадиган бўлсак, унинг солиққа тортиш предмети бўлиб, ер участкаси майдони, унга кимнинг эгалик қилиш ҳуқуқи мавжуд бўлса солиқ объекти пайдо бўлади ва ушбу ер солиғи қайси манба ҳисобидан давлат бюджетига тўланса, масалан, ердан турли хил кўринишда фойдаланиш натижасида олинadиган даромад унинг манбаи ҳисобланади. Демак, солиққа тортиш предмети ўз-ўзидан кимдадир солиқ тўлаш мажбуриятини вужудга келтирмайди. Мисолимизга қайтадиган бўлсак, ерга бўлган ҳуқуқни жойлардаги маҳаллий ҳокимият органлари беради ва шу билан биргаликда ердан фойдаланувчида солиқ тўлаш мажбурияти вужудга келади, чунки унда ушбу ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи мавжуд. Демак, солиқ предметида кимнинг эгалик қилиш ҳуқуқи мавжуд бўладиган бўлса, у солиқ муносабатларида солиқ субъекти сифатида иштирок этади.

Шу ўринда солиқларни миллий иқтисодиётда тутган ўрни ва аҳамияти, иқтисодиётни модернизация қилишда солиқларнинг мазмун ва моҳияти, солиқларни асосий функциялари ва тамойиллари ёритиб берилди.

2. ЎЗБЕКИСТОНДА СОЛИҚ ИСЛОҲОТЛАРИНИ АСОСИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИНИ БАҲОЛАШ

2.1. Молия-бюджет параметрларини узгаришини тадқиқ этиш

Мамлакатда олиб борилаётган кенг қамровли иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда авваломбор солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш, солиқларнинг турлари ва уларнинг амал қилиш механизмини соддалаштириш муҳим масалалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Давлатимизда бошқа соҳалардаги каби солиқ тизимини такомиллаштириш, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар тушумини ҳисобга олиш ҳамда назорат қилиш даражасини оширишга, солиқ тушумларининг қўшимча манбаларини аниқлаш ва солиқ тўлашдан бўйин товлашнинг олдини олишга, шунингдек солиқ тўловчилар учун кўрсатилаётган интерактив хизматлар турини кенгайтириш ҳамда сифатини оширишга йўналтирилган давлат солиқ хизмати идоралари ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш ва фаолият самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Ахборот-таҳлил бош бошқармасининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари деб ҳисобланиши, бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловларни таҳлил этилиши ва прогноз қилиниши, солиқ тўловчилар, солиққа тортиш объектлари, ҳисобланган ва тўланган солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар, шунингдек улар бўйича имтиёзлар тўғрисидаги ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш ва сақлаш, солиқ тўловчилар томонидан солиқ мажбуриятларининг бажарилишини камерал назорат қилиш, шунингдек давлат солиқ хизмати идораларига юклатилган вазифаларнинг ижросини назорат қилиш учун ахборот таъминоти, солиқ тўловчиларнинг солиқ ва молия ҳисоботлари ҳамда солиқ тўловчилар тўғрисидаги бошқа ахборотларни автоматлаштирилган тарзда ҳисобга

олиниши, солиқ маъмуриятчилиги жараёнида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш лозимлиги юзасидан сўз юритганлар.¹⁸

Давлат бюджети даромадларининг асосий қисмини албатта солиқлар ташкил этади. Шу жумладан, уларни икки турга ажратиб кузатиш мумкин. Қуйидаги 2.1.1-жадвалда тўғри солиқларнинг давлат бюджети ва солиқ тизимида тутган ўрни сонлар орқали кўрсатиб ўтилган.

2.1.1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида тўғри солиқларнинг бюджет
ва солиқ тизимида тутган ўрни (минг сўм)¹⁹

№	Кўрсаткичлар	2009 йил	2010 йил	2011 йил
1.	Ялпи ички маҳсулот (млн.сўм)	12193,2	14621,5	15742,7
2.	Жами бюджет даромадлари (млн. сўм)	3557,6	4370,1	5928,3
3.	Жами мақсадли фондларсиз (млн. сўм)	2621,0	3310,0	4042,0
4.	Жами тўғри солиқлар	714,0	865,2	1045,6
5.	Тўғри солиқларнинг ялпи ички маҳсулотга нисбатан улуши (%)	5,8	5,9	6,6
6.	Тўғри солиқларнинг жами бюджет даромадларидаги салмоғи (%)	20,1	19,8	17,6
7.	Тўғри солиқларнинг мақсадсиз фондлардаги салмоғи (%)	27,2	26,1	25,8

Юқорида келтирилган жадвалда Ўзбекистон Республикасининг 3 йил давомидаги тўғри солиқларнинг ЯИМга нисбатан улуши ва жами бюджет даромадларидаги салмоғи тўғрисида маълумотлар келтирилган. Ушбу жадвалда тўғри солиқларнинг ЯИМга нисбатан улуши 2009 йилга

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 30 октябрдаги ПҚ-1843 сонли Қарори.

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг маълумотлари асосида тузилган.

нисбатан 2011 йилда 0,8 %га ўсганлигини, жами бюджет даромадларидаги салмоғи эса, 2,5 %га пасайиш ҳолатини кўришимиз мумкин.

Шунингдек, 2.1.2-жадвалда эгри солиқларнинг давлат бюджети ва солиқ тизимида тутган ўрнини қуйидаги кўрсаткичлар орқали кузатиш мумкин.

2.1.2-жадвал

Ўзбекистон Республикасида эгри солиқларнинг бюджет ва солиқ тизимида тутган ўрни(минг сўм)²⁰

№	Кўрсаткичлар	2009 йил	2010 йил	2011 йил
1.	Ялпи ички маҳсулот (млрд.сўм)	12193,2	14621,5	15742,7
2.	Жами бюджет даромадлари (млн. сўм)	3557,6	4370,1	5928,3
3.	Жами мақсадли фондларсиз (млн. сўм)	2621,0	3310,0	4042,0
4.	Жами эгри солиқлар	714,0	865,2	1045,6
5.	Эгри солиқларнинг ялпи ички маҳсулотга нисбатан улуши (%)	5,8	5,9	6,6
6.	Эгри солиқларнинг жами бюджет даромадларидаги салмоғи (%)	20,1	19,8	17,6
7.	Эгри солиқларнинг мақсадсиз фондлардаги салмоғи (%)	27,2	26,1	25,8

Ушбу жадвалда мамлакатимизда 3 йил давомидаги эгри солиқларнинг ЯИМга нисбатан улуши ва жами бюджет даромадларидаги салмоғи тўғрисида маълумотлар келтирилган. Бу жадвалда эгри солиқларнинг ЯИМга нисбатан улуши 2009 йилга нисбатан 2011 йилда 0,8 %га ўсганлигини, жами бюджет даромадларидаги салмоғи эса, 2,5 %га пасайиш ҳолатини кўриши мумкин.

²⁰ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг маълумотлари асосида тузилган.

Ўтган йиллардаги каби 2013 йилда солиқ сиёсати хўжалик юртурувчи субъектлари ва аҳоли учун солиқ юкини янада пасайтиришга, солиқ тизимини соддалаштиришга, маҳаллий бюджетлар даромадлар қисмини мустаҳкамлашга ва солиқ маъмурчилигини такомиллаштиришга йўналтирилган.

Давлат бюджет даромадларини барқарорлигини таъминлаш мақсадида 2013 йилда асосий солиқлар жумладан, фойда солиғи, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ободонлаштириш солиғи, кичик корхоналар даромадига солинадиган ягона солиқ, қўшилган қиймат солиғи ҳамда бир қатор бошқа солиғ ва мажбурий тўловларнинг амалдаги ставкаларини сақлаб қолиш таклиф этилган.

Шу билан бирга, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг энг паст ставкасини 9% дан 8% гача пасайтирилган. Бу эса барча тоифадаги солиқ тўловчиларга, айниқса кам даромад оладиганларга солиқ юкини пасайтириш имконини берди. Шу орқали фуқароларнинг жамғариб бориладиган шахсий ҳисобварақларига жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ҳисобига маблағларни ўтказиш тартиби (1%) сақлаб қолинди.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган жисмоний шахслар учун солиқ юкинир камайитириш мақсадида, энг кам иш ҳақиға нисбатан ҳисобланадиган қатъий белгиланган солиқ ставкасини ҳам энг кам иш ҳақининг йил бошидаги миқдоридан (йил давомида энг кам иш ҳақи миқдорининг ўзгаришидан қати назар) келиб чиққан ҳолда қатъий миқдорларда белгиланди.²¹

2005 йилнинг 28 январида мамлакатимиз Президенти И.Каримов Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларга атрофлича тўхталиб, 2005 йилда иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг энг муҳим устувор

²¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси 2013 Бюджетномасига асосланиб муаллиф томонидан тузилди.

вазифаларини белгилаб бердилар. Мамлакатимизда солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш зарурлиги ҳам муҳим устувор вазифалардан бири сифатида эътироф этилди.²² Мамлакатимиз раҳбари ўз маърузаларида солиқ тўловчиларга солиққа тортиш тизимида қўшимча имтиёзлар ва преференциялар бериш, солиқларни унификация қилиш, солиқ юкини енгиллаштириш, солиқ қонунчилигининг барқарорлигини таъминлаш ҳамда ушбу йўналишда илғор мамлакатлар ижобий тажрибаларидан фойдаланиш лозимлигини таъкидлаб ўтдилар.²³ Бундан ташқари, мамлакат Президенти “... ислохотларни чуқурлаштириш, иқтисодиёт, солиқ бюджет сиёсатини янада эркинлаштириш, бозор инфратузилмасини жадал ривожлантириш” асосий устувор йўналишлардан бири эканлигини яна бир бор таъкидлаб ўтди.²⁴

Шу боисдан ҳам таълим тизимида солиқ соҳасидаги билимларни ўргатишда Республикаимизда амалга оширилаётган солиқ соҳасидаги ислохотларни талаба-ўқувчиларга тўлароқ етказиш, ушбу йўналиш бўйича истиқболли дастурларни ишлаб чиқиш, олий ўқув юртлари таълим йўналишлари учун ўқув қўлланмалар ва дарсликлар тайёрлаш, солиқ соҳасида амалий Диссертациялар олиб бориш, илғор педагогик технологияларни таълим тизимида тадбиқ этишни амалга ошириш ҳукуматимиз диққат эътиборида бўлган асосий вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ўз маърузаларида қуйидаги кўрсаткичларни келтириб ўтган эдилар, “2012 йилда солиқ юкини камайитириш сиёсати давом эттирилди. Кичик корхона ва микрофирмалар учун ягона солиқ тўлови ставкалари 6 фоиздан 5 фоизга туширилгани, якка тартибдаги тадбиркорлар учун белгиланган солиқ

²² <http://www.press-service.uz/>

²³ “Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси.

²⁴ “Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадида”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2007 йилда мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси.

ставкаси эса сезиларли тарзда, яъни ўртача икки баробар камайтирилгани буни яққол тасдиқлайди.

Давлатимиз солиқ сиёсатини янада такомиллаштиришнинг асосий вазифаларидан бири бу солиқ юкини камайтиришдан иборатдир. Шу аснода давлатимиз мустақилликка эришган йиллардан бошлаб солиқ ставкаларини ўзгариш динамикасини фоиз ҳисобида қуйидаги 2.1.3-жадвалда кузатиш мумкин.

2.1.3-жадвал

1992 йилдан 2012 йилгача бўлган даврда солиқ тўлови ставкаларининг ўзгариши (фоиз ҳисобида)²⁵

№	Солиқ тури	1992-2009 йиллардаги энг юқори солиқ ставкалари	2012 йилда ўрнатилган ставкалар	Пасайиш
1.	ҚҚС	30	20	1,5 баробар
2.	Юридик шахсларнинг даромад (фойда) солиғи	45	9	5 баробар
3.	Юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи	5	3,5	1,4 баробар
4.	Микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови	15,2	6	2,2 баробар
5.	Жисмоний шахсларнинг даромад солиғи	60 гача	22 гача	2,7 баробар
6.	Ягона ижтимоий тўлов	40	25	1,6 баробар

2013 йилда мутаносиб ва барқарор давлат бюджетини шакллантириш мақсадида солиқ маъмурчилигини янада такомиллаштириш ва эркинлаштириш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлаш, бутун солиқ тизимини содалаштириш ва унинг ошкоралигини таъминлаш бўйича тегишли тадбирлар кўзда тутилмоқда.

²⁵ Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Шуларнинг ҳисобидан солиқ юки даражасининг ошмаслиги таъминланиб, ялпи ички маҳсулотга нисбатан бу кўрсаткич 21,3 фоизни ташкил этади”.²⁶

2.2. Телекоммуникация корхоналарида солиққа тортишнинг иқтисодий самарадорлигини таҳлили

Бозор муносабатларини ташкил этувчи тизим фаолиятида, мамлакат иқтисодиёти шаклланиши ва ривожланишида телекоммуникация корхоналари муҳим ўрин тутади. Телекоммуникация корхоналари ўз иқтисодий табиатига кўра, қуйидаги иқтисодий операцияларни бажаради:

- телекоммуникация корхоналари аҳоли ва хўжалик субъектлари эҳтиёжларига кўра алоқа хизматларини кўрсатади;

- алоқа корхоналар хизматлари орқали меҳнатга лаёқатли аҳоли қатламларини иш ўрни билан таъминлаб, мамлакатдаги ижтимоий барқарорликни таъминлашга ҳисса қўшади.

Телекоммуникация корхоналарининг миллий иқтисодиётда бажараётган вазифаларини тирик организмнинг қон томирлари иш фаолиятига қиёслаш мумкин.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида телекоммуникация корхоналарини дунё андозаларига мос равишда ташкил этиш ва ривожлантириш мақсадида қатор чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда.

Телекоммуникация корхоналарининг фаолиятига Телекоммуникация корхоналари томонидан миллий иқтисодиётда алоқа хизматлари кўрсатилиши билан бир қаторда, ижтимоий вазифалар ҳам бажарилади. Ижтимоий барқарорликни таъминлашнинг муҳим йўналишларидан бири

²⁶ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2013 йил 18 январ 2012-йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасидан.

телекоммуникация корхоналаридаги солиқ юкини пасайтириш ҳисобланади.

Солиқлар умудавлат ва маҳаллий солиқ тўловларига бўлинади. Қуйидаги 2.2.1-расмда мамлакатимизда фаолият юритаётган телекоммуникация корхоналаридан давлат бюджетига ундириладиган солиқ турлари кўрсатилган.



2.2.1-расм. Телекоммуникация корхоналарининг солиқ тўловлари²⁷

Иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида Давлат статистика қўмитаси материаллари ва телекоммуникация корхоналарининг йиллик ҳисоботлари таҳлиллари кўрсатишича, айрим телекоммуникация корхоналарининг молиявий ҳолати талаб даражасида эмас. Бизнинг фикримизча, бундай салбий ҳолатнинг вужудга келишида солиқлар муҳим роль ўйнайди. Юқорида қайд этилган ҳолатлар телекоммуникация корхоналарини солиққа тортиш механизмини комплекс тарзда таҳлил этиш тақозо этиладиган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

²⁷ Муаллиф томонидан тузилган.

Мустақиллик йилларида мамлакат иқтисодиётини эркинлаштириш ва модернизациялашга йўналтирилган кенг кўламли иқтисодий ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу борада мустаҳкам ва барқарор телекоммуникация тизимини шакллантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида мамлакатда амалга оширилаётган солиқ сиёсатининг устувор йўналишларидан бири телекоммуникация корхоналаридан солиқ юкини босқичма-босқич пасайтиришга қаратилган. Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш босқичида телекоммуникация корхоналарининг хизматлар бозоридаги капиталлашуви янада оширилиб, инвестицион фаоллиги юксалмоқда.

Телекоммуникация корхоналарини солиққа тортиш, бошқа хўжалик юритувчи субъектлардан фарқли ўлароқ, ўзига хос хусусиятларга эга. Диссертацияда телекоммуникация корхоналарини солиққа тортишнинг объектив зарурлиги масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Биринчидан, солиқларнинг тартибга солувчи ва рағбатлантириш функциялари телекоммуникация корхоналари фаолиятида намоён бўлади. Иккинчидан, солиқлар давлат томонидан телекоммуникация корхоналарини тартибга солиш воситаси сифатида қўлланилади.

Иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида фойда солиғининг ставкалари босқичма-босқич пасайтирилаётганлиги солиқ юкининг камайтириш борасидаги муҳим ишлардан бири деб қараш лозим. Республикада телекоммуникация корхоналари фойдасини солиққа тортиш объектининг белгиланиши бўйича айрим муаммолар мавжуд. Телекоммуникация корхоналари фойдасидан олинадиган солиқнинг бюджетга ундирилиш жараёни солиқ амалиётида муайян камчиликлар мавжуд эканлигини кўрсатмоқда.

Телекоммуникация корхоналари молиявий ҳолатининг барқарорлашишига ижобий таъсир қилувчи, капиталлашув даражасини таъминловчи асосий кўрсаткич бу соф фойда бўлиб ҳисобланади.

Телекоммуникация корхонаи ихтиёрида қоладиган соф фойданинг аксарият қисми уларга нисбатан қўлланилаётган солиқларни чегириш орқали шаклланади.

Телекоммуникация корхоналарини фойда солиғига тортиш учун асос бўладиган бир нечта асосий молиявий кўрсаткичлар мавжуд. Бу кўрсаткичлар қуйидаги 2.2.2-рамда батафсил ёритиб берилган.



2.2.2-расм. Телекоммуникация корхоналарини фойда солиғига тортиш учун асос бўладиган молиявий кўрсаткичлар²⁸

²⁸ Муаллиф томонидан тузилган.

2.2.2-расм маълумотлари таҳлили кўрсатишича, мамлакатда юридик шахслар фойдасига нисбатан қўлланиладиган солиқ ставкаси йилдан-йилга пасайиш тенденциясига эга. Ушбу сиёсатдан кўзланган мақсад-телекоммуникация корхоналарининг молиявий фаолияти ва капиталлашув жараёнини самарали ривожлантиришдир.

Республика телекоммуникация корхоналарининг фойда солиғи ставкалари динамикасини қуйидаги 2.2.1-жадвал асосида кузатиш мумкин.

2.2.1-жадвал

Республикада телекоммуникация корхоналари фойдасига солинадиган солиқ ставкалари динамикаси, (фоиз ҳисобида) ²⁹

Кўрсаткич	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.
Фойда солиғи ставкалари	10	10	9	9	9

Юқорида қайд этилган ҳолатларни умумлаштирган ҳолда, Республикаимизнинг энг йирик телекоммуникация корхонаси “Ўзбектелеком” АКнинг Давлат бюджети даромадига тўлайдиган фойда солиғи йиллик ҳажмини қуйидаги 2.2.2-жадвал асосида таҳлил этиш мумкин.

2.2.2-жадвал

“Ўзбектелеком” АКнинг давлат бюджети даромадига тўлайдиган юридик шахслар фойда солиғи йиллик ҳажми динамикаси. ³⁰

(минг сўм)

№	Кўрсаткич	2009	2010	2011
		Солиқ суммаси	Солиқ суммаси	Солиқ суммаси
1	Юридик шахслар фойдаси (даромади)га солиқ	3 280 738	3 433 129	4 249 913

²⁹ Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг 2008-2012 йиллардаги “Асосий макроектисодий кўрсаткичлар ва Давлат бюджети параметрлари прогнози тўғрисида”ги қарорлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

³⁰ “Ўзбектелеком” АКнинг 2009-2011 йиллардаги ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

2.2.2-жадвал маълумотлари таҳлили кўрсатишича, Давлат бюджети даромадларида юридик шахслар фойда солиғи ва телекоммуникация корхоналари томонидан тўланган фойда солиғи ҳажмлари ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда. Шунингдек, солиқ ставкасининг камайтирилганлигига қарамай, Давлат бюджетига телекоммуникация корхоналари томонидан тўланадиган солиқлар суммасининг ортаётганлиги тенденцияси кузатилди.

Давлатимизда амалдаги солиқ турлари ўнтани ташкил қилади. Қуйидаги 2.2.3-жадвалда ушбу солиқ турларидан “Ўзбектелеком” АКдан ундириладиган солиқ турларини 3 йиллик динамикаси келтирилган.

2.2.3-жадвал

“Ўзбектелеком” АКнинг давлат бюджетига тўланадиган барча солиқ турлари йиллик ҳажми динамикаси (млн.сўм).³¹

№	Солиқ тури	2009		2010		2011	
		Солиқ суммаси	%	Солиқ суммаси	%	Солиқ суммаси	%
1	Юридик шахслар даромади (фойдаси)га солиқ	3 280	6,6	3 433	6,7	4 249	5,6
2	Жисмоний шахслар даромадларига солиқ	6 257	12,6	7 051	13,8	9 772	12,9
3	Қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС)	31 460	63,4	33 850	66,4	40 571	53,7
4	Юридик шахслар мол-мулкига солиқ	2 530	5,1	2 606	5,1	3 679	4,8
5	Юридик шахсларга ер солиғи	577	1,1	684	1,3	838	1,1
6	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	16	0,03	20	0,04	26	0,03
7	Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш учун солиқ	1 459	2,9	426	0,8	865	1,1
8	Бошқа солиқлар	4 042	8,1	2 887	5,6	15 425	20,4
9	Жами:	49 621	100	50 957	100	75 425	100

³¹ “Ўзбектелеком” АКнинг 2009-2011 йиллардаги ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

2.2.3-жадвалда “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг 2009-2011 йиллар давомида давлат бюджети даромадига қўшган хиссаси тенденцияси кўрсатилган. Ушбу жадвалда барча солиқларни қўшиб ҳисоблаганда “Ўзбектелеком” АКнинг 2009 йилда давлат бюджетига 49,6 млн. сўм, 2010 йилда 50,9 млн. сўм, 2011 йилда эса 75,4 млн. сўм тўлаганлигини кўришимиз мумкин.

Юқоридаги кўрсатилган барча солиқ турлари 2 қисмга ажралади, яъни умудавлат солиқлар ҳамда маҳаллий солиқлар ва йиғимлар. Жумладан 2.2.4-жадвалда “Ўзбектелеком” АКнинг давлат бюджетига ундириладиган умудавлат солиқ турлари йиллик хажми динамикаси сонлар орқали ифодаланган.

2.2.4-жадвал

“Ўзбектелеком” АКнинг давлат бюджетига тўланадиган умудавлат солиқ турлари йиллик хажми динамикаси (млн.сўм).³²

№	Солиқ тури	2009		2010		2011	
		Солиқ суммаси	%	Солиқ суммаси	%	Солиқ суммаси	%
1	Юридик шахслар даромади (фойдаси)га солиқ	3 280	8,00	3 433	7,74	4 249	7,78
2	Жисмоний шахслар даромадларига солиқ	6 257	15,26	7 051	15,90	9 772	17,89
3	Қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС)	31 460	76,71	33 850	76,32	40 571	74,28
4	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	16	0,04	20	0,05	26	0,05
5	Жами:	41 013	100	44 354	100	54 618	100

Ушбу 2.2.4-жадвалда аҳамият қаратилиши лозим бўлган кўрсаткич бу ҚҚС (Қўшилган қиймат солиғи). Кўрсаткичдан бир фикрга келиш мумкин,

³² Ўзбектелеком” АКнинг 2009-2011 йиллардаги ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

хозирда давлатимизда фаолият кўрсатаётган телекоммуникация корхоналари бюджетга тўлайдиган солиқларнинг асосий қисмини ҚҚС ташкил қилади.

2.2.5-жадвалда “Ўзбектелеком” АКнинг маҳаллий бюджетга ундириладиган солиқлар турлари йиллик ҳажми келтирилган.

2.2.5-жадвал

“Ўзбектелеком” АКнинг маҳаллий солиқ турлари йиллик ҳажми динамикаси (млн.сўм).³³

№	Солиқ тури	2009		2010		2011	
		Солиқ суммаси	%	Солиқ суммаси	%	Солиқ суммаси	%
1	Юридик шахслар мол-мулкига солиқ	2 530	55,4	2 606	70,1	3 679	68,4
2	Юридик шахсларга ер солиғи	577	12,6	684	18,4	838	15,6
3	Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш учун солиқ	1 459	32,0	426	11,5	865	16,1
4	Жами:	4 566	100	3 716	100	5 382	100

2.2.4-жадвалда келтирилган молиявий натижаларнинг 3 йиллик динамикасидан шуни кўриш мумкинки, юридик шахслар мол-мулк солиғи ва юридик шахсларга ер солиғи йилдан йилга ўсиб борган. Бунга солиқ ставкасини ўсиб бориши эмас, аксинча, телекоммуникация корхонасининг активлари ортиб борганидан далолат беради. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш учун солиқ эса камайганини кўриш мумкин.

³³ “Ўзбектелеком” АКнинг 2009-2011 йиллардаги ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

2.БОБ. бўйича хулоса

Ўзбекистонда солиқ ислохотларини асосий тенденцияларини баҳолаш деб номланувчи ушбу бобда, телекоммуникация корхоналарини солиққа тортиш, бошқа хўжалик юритувчи субъектлардан фарқли ўлароқ, ўзига хос хусусиятларга эга. Диссертацияда телекоммуникация корхоналарини солиққа тортишнинг объектив зарурлиги масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Биринчидан, солиқларнинг тартибга солувчи ва рағбатлантириш функциялари телекоммуникация корхоналари фаолиятида намоён бўлади. Иккинчидан, солиқлар давлат томонидан телекоммуникация корхоналарини тартибга солиш воситаси сифатида қўлланилади.

Иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида фойда солиғининг ставкалари босқичма-босқич пасайтирилаётганлиги солиқ юкининг камайитириш борасидаги муҳим ишлардан бири деб қараш лозим. Республикада телекоммуникация корхоналари фойдасини солиққа тортиш объектининг белгиланиши бўйича айрим муаммолар мавжуд. Телекоммуникация корхоналари фойдасидан олинадиган солиқнинг бюджетга ундирилиш жараёни солиқ амалиётида муайян камчиликлар мавжуд эканлигини мисоллар орқали кўрсатиб ўтилди. Молия-бюджет параметрларини ўзгариши жадваллар орқали тадқиқ этилди. Телекоммуникация корхоналарида солиққа тортишнинг иқтисодий самарадорлигини “Ўзбектелеком” АК мисолида таҳлил қилинди.

3. СОЛИҚ МЕНЕЖМЕНТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ БИЛАН БОҒЛИҚ МУАММОЛАР

3.1. Солиқларни ундириш жараёнини соддалаштириш ва самарали солиқ менежментини ташкил қилиш орқали миллий иқтисодиётни ривожлантириш йўллари таҳлили

Солиқ сиёсатининг ҳуқуқий асослари сифатида мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 31 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида»ги қонуни, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг «Корхоналар, ташкилотлар, бирлашмалардан олинadиган солиқлар тўғрисида»ги (1991 йил 15 феврал), «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаганларнинг даромад солиғи тўғрисида»ги (1991 йил 15 феврал), «Маҳаллий солиқлар ва йигимлар тўғрисида» ги (1993 йил 7 май) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари каби меъёрий ҳужжатлардан иборат бўлган бўлса, 1997 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида» ги қонуни юқоридаги ҳужжатларнинг айримларини ўз кучини йўқотишига олиб келган бўлса, айримларининг ҳуқуқий базасини кенгайтишига, кучайишига хизмат қилиб келмоқда. «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида» ги қонунга мувофиқ, шу кундан эътиборан Ўзбекистон Республикаси ўзининг мустақил солиқ сиёсатини олиб боради. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида фуқароларнинг бурчларига солиқларни тўлаш мажбурияти ҳам киритилган: «Фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва йигимларни тўлашга мажбурдирлар» . Шунингдек республикаимиз

худудида ягона солиқ тизими амал қилиши ва уни белгилаш ваколати ҳақидаги жумлалар келтирилган: «Ўзбекистон Республикаси худудида ягона солиқ тизими амал қилади. Солиқларни жорий қилишга фақат Олий Мажлис ҳақлидир».

Бугунги кунда республикаимиз солиқ сиёсатининг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси, «Давлат солиқ хизмати тўғрисида» ги қонуни, ҳукуматнинг бошқа солиққа оид қонун, қарорлари, Президент Фармонлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан изоҳланади.

Ҳозирги пайтда республикаимиз солиқ сиёсатининг асоси Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган ва муваффақиятли тарзда амалиётда ўз аксини топаётган иқтисодий ривожланишнинг беш тамойилидир. Солиқ сиёсати ана шу тамойиллар асосида ташкил этилган бўлиб, солиқ соҳасидаги самарали чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Юқорида санаб ўтганимиз қонун ҳужжатлари республикаимизда солиқ тизимининг ҳуқуқий жиҳатдан таъминланишига хизмат қилади. Республикаимизда солиқ тизимини ҳуқуқий тартибга солишда тарафларнинг ҳуқуқ ва бурчлари юзасидан бир томондан солиқ тўловчи ва иккинчи томондан солиқ идоралари ўртасидаги ўзаро муносабатлари аввало республика Конституцияси ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан мустаҳкамланган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунда солиқ идораларининг ўз фаолиятлари чегарасида амалга ошириладиган барча ҳуқуқ ва бурчлари, вазифалари ҳамда жавобгарликлари батафсил ёритиб берилган. Солиқ идоралари ходимларининг аниқ қонун-қоидалар билан ҳимояланишини уларнинг самарали меҳнат фаолиятлари давомида тегишли ҳуқуқлардан фойдаланиш билан биргаликда жавобгарлик ҳиссини ҳам унутмаслик шартларини кўяди. Бу эса солиқ муносабатларининг амалга ошиши

жараёнларида ҳар хил салбий ҳолатларни олдини олиш учун манба бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатимиз иқтисодийни модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Президентимиз таъкидлаганидек: «Мамлакатимизни иқтисодий ривожлантиришга қаратилган узоқ муддатли стратегик мақсадни амалга оширишнинг мантиғи мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошланган ва Ўзбекистоннинг жаҳон бозоридаги рақобатдошлигини ошириш ва мавқеини мустаҳкамлашга йўналтирилган таркибий ўзгаришлар ва юксак технологияларга асосланган замонавий тармоқлар ва ишлаб чиқариш соҳаларини жадал ривожлантириш сиёсатини 2011 йилдаги асосий устувор йўналиш сифатида давом эттиришни тақозо этмоқда».³⁴

Халқ ҳўжалигининг ривожланишида, мамлакат аҳолиси эҳтиёжларини талаб даражасида қондиришда, яшаш тарзини кўтаришда илмий техника прогрессини жорий этишда, фан ва маданиятни ривожлантиришда, мамлакат муҳофаазини сақлашда бюджетнинг аҳамияти каттадир.

Бюджет сўзи инглиз тилидан келиб чиқиб, «Ғазна» деган маънони билдиради. Бу давлат ва маҳаллий ўз—ўзини бошқариш вазифалари ва функцияларини молиявий таъминлаш учун мўлжалланган пул маблағлари жамғармаларини тўплаш ва сарфлаш шаклидир.

Давлат бюджети - давлатнинг марказлашган пул фонди бўлиб, ЯИМни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш натижасида ҳосил бўладиган пул муносабатлари йиғиндисидир. Бюджет, бизга Европадан кириб келган бўлиб, таржимасиз қабул қилинган. Бюджет тўғрисида қонун биринчи марта 1896 йил Англияда қабул қилинган.

Жамиятда бир неча хил молия режалари тузилади. Тижорат

³⁴ Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Президентимиз И. Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. 2011 йил 21 январ. <http://www.press-service.uz/>

корхоналарида бизнес режа, нотижорат корхоналарида смета, умумдават аҳамиятига эга бўлган даромад ва харажатлар давлат бюджети деб аталади. Давлат бюджети баланс шаклида тузилади, унинг даромад ва харажатлари бир йилга тузилиб чоракларга бўлиниб чиқилади. Давлатнинг бир йилга молия режаси ёки давлат бюджети Молия вазирлиги томонидан ҳисоб-китоб қилинади, Олий Мажлис Сенати томонидан тасдиқланади. Тасдиқлангандан кейин Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси бюджет ижросини бажаради. Давлат бюджетини амалга оширишда бюджет йили ва бюджет даври деган тушунчалардан фойдаланилади. Бюджет йили календар йили билан тенг. Бюджет даври эса бюджет йилдан кўра кўпроқ муддатни ўз ичига олади.

Бюджетнинг моҳияти - ҳар бир мамлакатда ишлаб чиқариш воситаларига эгалик қилиш ва давлат олиб борадиган сиёсатларга боғланади. Бюджет орқали мамлакат ЯИМнинг 50-60% и тақсимланади ва қайта тақсимланади. Бу тақсимотда истеъмол ва жамғарма фондлари ташкил этилади.

Иқтисодий категория сифатида - бюджет турли бюджет фондларини шакллантириш, тақсимлаш, фойдаланиш пайтида юзага келувчи ва рўёбга чиқувчи иқтисодий муносабатлардир. Давлат бюджети давлатнинг йирик марказлашган пул фонди бўлиб, у давлатнинг функцияларини бажаришга асосланган.

Моддий маънода бюджет - тегишли даражадаги давлат ва маҳаллий ҳокимият идоралари фаолиятини таъминловчи, улар олдига қўйилган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий вазифаларни бажариш имконини берувчи марказлаштирилган пул маблағлари фондидан иборатдир. Давлат томонидан режалаштирилган тадбирларни бюджет ҳисобидан молиявий таъминлаш деганда бюджетнинг айнан ана шу моддий маъноси кўзда тутилади.

Ҳуқуқий категория сифатида - бюджет тегишли ҳудуд доирасида

марказлаштирилган пул маблағларини шакллантириш, тақсимлаш, фойдаланишга қаратилган ва тегишли давлат ёки маҳаллий ҳокимият идораси томонидан тасдиқланган асосий молиявий режа, юридик меъёрлардан иборатдир.

Бюджет тузилиши мамлакатнинг давлат бюджети ва бюджет тизимини, унинг айрим бўғинлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни ташкил қилишни, бюджет тизимига кирадиган бюджетлар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини, бюджетлар таркиби ва тузилмасини, бюджет маблағларини шакллантириш ва сарфлашдаги тартиб-қоидалар ва бошқаларни белгилаб беради.

Бюджет тузилишининг таркибий қисми бюджет тизими ҳисобланади. Мамлакатнинг маъмурий тузилиши ҳам бюджет тизимининг асосини ташкил қилади.

Давлат бюджети Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан қабул қилинади ва тасдиқланади.

Давлат бюджети унинг даромад ва харажатлари билан жамиятнинг иқтисодий категориялари билан боғлиқ. Давлат бюджети орқали жамиятда яратилган ялпи ички маҳсулот қайта тақсимланади. Давлатнинг вазифаларини бажариш учун ҳозирги вақтда ЯИМнинг 30%дан ортиғи давлат бюджетидан жамғарилади ва йил давомида сарфланади.

Давлат бюджети молия категорияси сифатида 4 та функцияни бажаради:

- ЯИМни қайта тақсимлаш
- Назорат функцияси
- Иқтисодиётни бошқариш
- Ижтимоий функцияси

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг ўзининг молия-кредит ва бюджет тизимига эга бўлди. Республикамиз Давлат бюджети - Республика бюджетидан ва маҳаллий бюджетлардан иборат. Бу унинг ҳудудий ва

сиёсий бўлиниши билан боғланган. Бюджет бўғинлари ўз мақсадларини ҳисобга олган ҳолда мамлакат иқтисодий, ижтимоий, маданий, сиёсий режаларини амалга оширишда бюджет тизими ягона тизим ҳисобланади.

Бюджет тизимидаги ҳар бир бўғин ўз даромад ва харажатларига эга. Даромад ва харажатларнинг бўғинлар ўртасидаги тақсимоти мамлакат Конституцияси, молиявий қонунлар, бюджет ҳуқуқлари асосида тақсимланган. Бюджет тузилиши мамлакатнинг давлат бюджети ва бюджет тизимини, унинг айрим бўғинлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни ташкил қилишни, бюджет тизимига кирадиган бюджетлар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини, бюджетлар таркиби ва тузилмасини, бюджет маблағларини шакллантириш ва сарфлашдаги тартиб қоидалар ва бошқаларни белгилаб беради.

Давлат бюджети ҳақидаги қонун қабул қилингандан кейин Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бир ҳафталик муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасини тасдиқланган даромадлар ҳажми бўйича маълумотни беради. Молия вазирлиги Республика бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотларни белгиланган даромад ва харажатлар ҳажми бўйича маълумотни беради. Маҳаллий даражадаги корхона ва ташкилотларга бюджет даромад ва харажатлари тўғрисидаги маълумотни бериш худди шу тарзда бир ҳафталик муддат ичида амалга оширилади.

Иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида солиқ ислохотлари стратегиясининг асосий мақсади солиққа тортишни ташкил қилиш назарияси ва амалиётини бир-бирига мувофиқлаштиришдан иборат. Мамлакатнинг иқтисодий барқарорлиги равон шаклланмагунча солиқ назарияси билан амалий қонунчилик ўртасида доимо маълум даражада тафовутлар мавжуд бўлиши бу табиий ҳол. Ўзбекистоннинг миллий солиқ тизимини мақсадга мувофиқ равишда ислоҳ қилиш учун энг аввало солиқ амалиётини анъанавий назарий тамойилларга яқинлаштириш

ва ислоҳотларнинг ҳақиқий манфаат келтирувчи йўналишларини белгилаши лозим. Солиққа тортишнинг янги модели жорий этилиши осонлик билан кечмайди. Ислоҳотларнинг ҳаётийлигини таъминлашда қуйидаги омилларни инобатга олиш талаб этилади. Масалан, солиққа тортишнинг такомиллаштирилган янги концепцияси таркибидаги солиққа тортишнинг услуги ва ҳужжатлаштириш технологиясини такомиллаштириш, солиқ тушумлари маълумотларини таҳлил қилиш ҳамда солиқ йиғимларини ҳудудлар ва солиқ тўловчилар бўйича адолатли тақсимланишини таъминлаш масалалари солиқ ислоҳотларини режалаштиришнинг асосий концепциявий йўналишлари ҳисобланади. Бу омилларнинг шаклланишини аниқ белгиламасдан туриб амалга оширилган ўзгартиришлар кутилган натижани бермайди.

Солиққа тортишнинг ҳар қандай янги моделини жорий этилишининг самарали бўлиши давлат ҳокимияти тизими томонидан янги солиқ ўзгаришларига бўлган муносабатига ва давлат билан солиқ тўловчи ўртасида воситачи вазифасини бажарувчи Давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга ошириладиган ташкилий тадбирларнинг мақсадга мувофиқ ўтказилишига ҳам боғлиқ. Чунки солиқ қонунчилигидаги ислоҳий ўзгаришлар қанчалик солиқ тўловчилар учун манфаатли бўлмасин агар уларнинг асл моҳияти оммавий ахборот воситаларида ва солиқ тўловчилар ўртасида кенг тарғибот қилинмаса ислоҳотларнинг пировард натижасига эришиш даври чўзилиб кетиб самара пасайиши мумкин.

Иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида солиқ салоҳиятини шакллантирувчи янги концепцияларни амалиётга жорий этишнинг мукаммаллашган тамойиллар мажмуасига асосланган ҳолда режалаштирилса, миллий манфаатларимиз талабига жавоб берадиган натижага эришамиз.

Республикамиз мустақил иқтисодиётни шакллантиришда йигирма йиллик даврдаги солиқ ислоҳотларининг асосий йўналишлари айнан солиқ

тизимининг адолатлилигини таъминлаш, солиққа тортишни соддалаштириш, солиқларнинг самаралилигини ошириш ва солиққа тортиш муносабатларидаги иқтисодий ўсишга салбий таъсир кўрсатаётган омилларни имкон қадар бартараф этишга қаратилди. Солиқ ислохотларини юритишда солиққа тортишнинг анъанавий тамойиллари ўзгармайди. Лекин амалдаги солиқ тизимининг иқтисодий - ҳуқуқий тамойилларини такомиллаштириб боради. Зеро ҳар бир даврнинг ўзига хос солиқ тизимининг адолатлилик, самарадорлик ва соддалаштирилган намунаси мавжуд. Ана шу кўрсаткичлар муайян даврга мослаштирилган солиқ ислохотлари ўтказилиши натижасида анъанавий мезонларга яқинлашиб боради.

Мамлакатнинг реал иқтисодий амалиётига мос келадиган солиққа тортиш муносабатлари солиққа тортишнинг адолатлилик, солиқ юкининг бир текис тақсимланиши, солиқ қонунларининг тушунарлик бўлиши ва солиқ маъмурчилиги харажатларининг мақсадга мувофиқлиги (самаралилиги) тамойилларига асосланиши солиқ фалсафаси бўлса, бу классик тамойиллардан миллий манфаатлар нуктаи назардан такомиллаштирилган солиқ концепцияларидан фойдаланиб, солиқ ислохотларини амалга оширилиши солиқ сиёсатининг функциявий хусусиятидир.

Солиққа тортишнинг концепцияларини жамиятнинг миллий манфаатлари устуворлигида белгиланиши бениҳоят амалий солиқ тамойилларининг классик андозаларидан бирмунча узоқлашишига олиб келиши табиий ҳол. Бошқача мазмунда айтилганда, миллий манфаатлар қанчалик устувор бўлса солиққа тортишнинг классик тамойиллари шунчалик заифлашади, яъни солиқ тўловчиларнинг анъанавий ҳуқуқлари маълум даражада поймол бўлаверади. Бу худди физиканинг «олтин қондаси»га ўхшаб кетади - тезликни оширмоқчи бўлсак фойдали юкдан ютқазамиз, юкдан ютмоқчи бўлсак тезликни йўқотамиз. Солиққа тортиш

муносабатларида ҳам шунга ўхшаш қонуният мавжуд.

Иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан юксалган мамлакатлар, яъни иқтисодий тараққиёти барқарорлашган мамлакатларда бюджет даромадларида жамғарилаётган солиқ тушумлари ҳам мўлжалга қараб бир текис шаклланади. Солиқ салоҳиятининг базавий объектлари ишончли бўлган мамлакатларда миллий манфаатлар концепцияси аҳамият касб этмайди, балки классик тамойиллар устуворлашади. Бундай ҳолат солиқ тўловчиларда солиқ мажбуриятларига нисбатан маданий муносабат шаклланишига реал имконият яратади.

“Фуқороларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2009 йил 30 декабрда қабул қилинган ПФ-4161-сонли қарор ҳам солиқ тизимимизни тартибга солишда муҳим қонун ҳужжатига айланди. Бу қонунга мувофиқ пенсия таъминоти тизиминининг ташкилий тузилмасини янада такомиллаштириш, пенсия ва ижтимоий нафақаларни бюджетдан ташқари пенсия жамғармасидан ўз вақтида молиялаштириш ҳамда уларни тўлиқ ҳажмда тўлаш, шунингдек республика фуқороларининг таъминотига йўналтириладиган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши устидан назоратни кучайтириш масалалари муҳим вазифа қилиб белгилаб берилган эди.

Бизга маълумки Республика миқёсида солиқларни ундириш ва тартибга солиш давлат бюджетидан бир мунча харажатларни талаб қилади. Яъни бунда солиқ тўловчилардан жойларда солиқ ундириш учун уларни солиқлар ҳақида огохлантириш, ҳисоботларини қабул қилиш ёки солиқ оид қонунбузарликларни содир этган солиқ тўловчиларга нисбатан тегишли чораларни куриш каби харажатлар тушунилади. Солиқларни ундириш жараёнида албатта бу харажатларни бўлади, бироқ бу харажатларни имкон қадар камайтириш керак бўлади. Чунки солиқ ундиришга кетадиган харажатлар камайтирилса, тежаб қолинган маблағлар давлаининг

иқтисодий ва ижтимоий соҳаларини янада ривожлантиришга сафарбар қилинади. Аслида солиқ турларини соддалаштиришдан ҳам асосий мақсад солиқларни ундириш жараёнини самарадорлигини ошириш ҳисобланади. Самарадор бу –солиқларни ундириш жараёнидаги харажатларини камайтириш ни англатади. Ёки қуйидагича таъриф бериш мумкин "Самарадорлик" талаби солиқ, тўловчи солиқ тўлаш мажбуриятини бажариш муносабати билан уни амалга оширадиган вақт, меҳнат ва пул сарфларини минималлаштиришни (камайтиришни) англатади. А.Смитнинг талқинида булар унинг учинчи ва тўртинчи талаблари (солиқ тўловчининг солиқ тўлаши вақти ва жойи қулайлиги ва унинг жуда кам кўшимча сарф қилиши талабларидир. Ҳақиқатан ҳам, ўша вақтларда маъмурлар солиқ тўлаш борасида алоҳида шарт ва чеклашлар жорий этишни суистеъмол қилар эди (солиқни ноқулай вақт ва ноқулай жойда тўлаш талаб қилинганлиги, ҳаксиз равишда тез-тез солиқ ундирилгандаги, солиқни фақат воситачилар, откўп эгалари орқали тўлаш шарт қилиб қуйилганлиги, уларни солиқ тўловчилар узларининг ҳисобларидан таъминлаш лозимлиги шулар жумласига кирар эди).

Ҳозирги пайтда бу тамойил анча кенг талқин қилинмоқда.

Биринчидан, солиқларни ҳисобга олишни жорий этиш ва солиқлар юзасидан ҳисоботлар тақдим этиш каби солиқ борасида юзага келган кўшимча мажбуриятларни бажаришга солиқ тўловчилар қилаётган сарфларни эътиборга олиш даркор. А.Смитнинг замонасида фуқароларнинг бундай сарфлари минимал (кам) даражада эди, солиққа тортишнинг замонавий тизимларида эса фуқаролар ва корхоналарнинг мазкур вазифаларни бажариш борасидаги сарф-харажатлари анчагина бўлиб, баъзида бу харажатлар тўланиши керак бўлган солиқ суммаси миқдорининг ўзига тенглашмоқда. Ғарбдаги қатор мамлакатларда солиқ тўловчиларнинг бундай сарфлари аллақачон эътироф қилинган ва бу сарф-харажатлар қатъий назорат қилинади (масалан, АҚШда даромад солиғи

ундириш тизимига ҳар қандай жиддий ўзгартишлар киритишда ўрта ҳисобдаги солиқ тўловчининг янги қоидалар бўйича солиқ декларациясини тўлдиришига керак бўладиган вақт мажбурий тарзда ҳисоблаб чиқилади ва эълон қилинади).

Иккинчидан, солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатлари мураккаблашуви, солиқ борасидаги назоратни таъминлашга сарф -харажатлар ошуви (солиқ ставкалари ошган сайин ушбу назоратни кучайтиришга тўғри келади) муносабати билан солиқ органларининг (давлатнинг) сарф - харажатлари узлуксиз ортиб боришини, солиқ органлари ходимлари сони кўпайиши ва бу органлар тобора замонавий ва қимматбаҳо техник восита ва асбоб - ускуналар билан жиҳозланишини ҳам эътиборга олиш лозим. Шу билан бирга илм - фан ва технологиялар тараққиёти ундириладиган солиқ (пулли) бирлигига давлат сарфлари салмоғини нисбатан камайитириш имконини беради.

Бугунги солиқ тизими солиқнинг барча субъектларига нисбатан солиқ юқининг адолатли тақсимланиши тусига эга бўлиши лозим. Бу талаб шуни англатадики, барча солиқ тўловчилар давлатнинг бутун иқтисодий маконида бир хил ҳуқуқларга эга булишлари ва бир хил мажбуриятларни бажаришлари шарт, Шу нуқтаи назардан солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларида айрим фуқароларга, шахслар гуруҳлари ёки ҳудудларга имтиёзли тартиблар белгиланган бўлмаслиги лозим. Бу талаб шуни англатадики, давлатда солиқлар борасида оффшор, эркин зоналар ҳамда имтиёзларга эга бўлган бошқа зоналар бўлмаслиги керак. Айрим зоналар ва тартибларга, айрим ҳудудларга солиқлар борасида имтиёзлар белгиланиши айрим солиқ субъектларигагина эмас, балки бутун ҳудудларга нисбатан ҳам айтиш камситиш тусига эга бўлиб, давлатнинг ягона иқтисодий маконида фуқароларни тенгсиз шарт - шароитга қўяди.

Солиқ тизими ижтимоий адолатли бўлиши, бойликлар (даромадлар)нинг адолатсиз тақсимланишини юмшатган (бартараф этган) ҳолла капиталларнинг усишига ўз вақтида қулай таъсир кўрсатиши керак.

Мазкур талаб шуни аниқлатадики, солиқ юкини солиқ субъектлари ўртасида тақсимлаш улар ҳар бирининг даромадлилик даражасини эътиборга олиши ва қуйидаги тамойилларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши:

- ҳар бир солиқ субъекти давлатнинг жамият олдидagi ўз вазифаларини бажариши учун унга ўз даромадининг бир қисmini бериши, яъни конституцияга мувофиқ давлат олдидagi ўз мажбуриятларини бажариши;
- солиқ субъекти ўз даромадининг оилавий яшаш минимумидан ошадиган қисмидан бир қисмгина даромадини бериши;
- бадавлатроқ солиқ субъекти каттароқ солиқ юкини кўтариши, яъни бадавлатроқлар кам даромадлиларга қараганда давлатга ўз даромадларининг каттаро қисmini беришлари лозим.

Солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларининг барқарорлиги тамойили муайян вақт мобайнида, жуда бўлмаганда қонун чиқарувчи мажлис ваколатининг бир муддати ичида ўзгартишлар, тузатишлар, қўшимчалар ёки янги солиқлар киритмасликни назарда тутди.

Солиқ ҳақидаги қонунлари тўловлар (солиқлар, йиғимлар, божлар) сони иложи борица кам бўлишини кўзда тутиши лозим. Бу талаб шуни аниқлатадики, тўловлар сони энг кам даражага туширилиши ва солиқ юкини камайтириши ёки солиқларнинг барча турлари даромадга солинадиган ягона солиқ билан алмаштирилиши кўзда тутилиши керак, бу эса солиққа тортиш тизimini соддалаштиради, тизимни тушунарли, қулай, оддий, очиқ - ойдин, назорат қилинувчи ва солиқлар йиғиш жиҳатидан самарали, ташкилий тузилмаси жиҳатидан оддий тизимга айлантиради.

Бироқ солиқлар сонини камайтириш ёки ягона солиқ жорий этиш барча ҳолларда ҳам солиқ субъектларининг моддий ахволи яхшиланишига олиб келавермайди, балки, аксинча, уларнинг ахволи ёмонлашишига олиб келиши ҳам мумкин. Ҳамма гап жорий қилинадиган солиқ ставкаларига боғлиқ бўлади. Шу билан бирга талаб солиқларни ҳисоблаб чиқишни соддалаштиришни, солиқларни тўлаш устидан назоратни кучайтиришни, солиқларни йиғиш жиҳатидан оқилона ва самарали тизимни юзага келтиришни оптималлаштириш кўзда тутилади.

Замонавий солиқ тизими солиққа тортиш шакллари ва усулларининг бениҳоя нозиклиги ва қўлланиладиган солиқларнинг ўта хилма - хиллиги билан тавсифланади (айрим мамлакатлар доирасида уларнинг 100 га якин кўринишлари мавжуд). Ривожланган мамлакатларнинг барчаси ва ривожланаётган мамлакатларнинг кўпчилиги учун ушбу тизимнинг тамойиллари ва хусусиятлари умумийдир, лекин уларнинг бу тамойиллар ва хусусиятларни солиқ сиёсатларида қўлланишларида жиддий фарқлар бор.

Амалиётда солиқ турларни соддалаштириш ҳозирда ўзининг кўпгина ижобий тарафларини кўрсатиб келмоқда. Жумладан республикамызда солиқ юкини камайтириш ва солиқ тўловчиларга имкон қадар қулайлик яратиш мақсадида бир қанча солиқлар урнига ягона солиқ жорий қилинди.

Маълумки, давлатимиз хазинасини молиявий ресурслар билан тўлдирувчи асосий манба солиқ бўлгани сабабли, у жамиятимиз олдида турган муҳим ижтимоий, иқтисодий, маънавий, маърифий ва бошқа кўпгина вазифаларни амалга ошириш учун зарур бўлган миқдордаги пул маблағи билан таъминланиши лозим. Миллий даромаднинг маълум бир бўлагини халқ хўжалиги тармоқлари бўйича қайта тақсимлашда, иқтисодий барқарорликни мустаҳкамлашда, шунингдек, маориф, маданият, илм-фан, соғлиқни сақлаш, спорт ва ижтимоий таъминот масалаларини ўз ичига оладиган ижтимоий соҳа, кам таъминланган

фуқароларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишда солиқ тизими муҳим ўрин тутди. Булардан кўзланган асосий мақсад, аҳоли турмуш даражасини янада ошириш, меҳнаткашларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни кучайтириш, таълим ва тиббиёт соҳаларида бюджет ташкилотларидаги хизматчиларнинг иш ҳақи, стипендиялар ва ижтимоий нафақаларининг инфляция суръатидан юқори миқдорда бўлишини таъминлаш, ислохотлар сиёсати ва жамиятни янгилашнинг асосий бўғини бўлган мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш, кадрлар миллий дастурида кўзда тутилган педагог ва муҳандис-педагог кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини дарсликлар, ўқув қўлланмалари, лаборатория ва ўқув ишлаб чиқариш жиҳозлари билан таъминлаш, шу билан бирга аҳоли даромадларини ошириш ва турмуш фаровонлигини яхшилашдан иборатдир.

Солиқлар, бу нафақат бюджет тушумининг асосий манбаи, балки у бозор иқтисодиёти таркибининг ҳам асосий омили ҳисобланади. Фақат мукаммал солиқ тизимигина ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик фаолияти, давлат бюджетини зарур миқдордаги молиявий ресурслар билан таъминлаш ҳамда унинг самарадорлиги ошиши учун зарур бўлган маблағларни шакллантира олади. Ҳозирги вақтда олиб борилаётган тадбирлардан асосий мақсад, корхоналарга иқтисодий жиҳатдан кенгроқ эркинликлар бериш, фойдани ишлаб чиқаришни кенгайтиришга сарфлаш, ходимларнинг иш ҳақини оширишдан иборат.

Шудан келиб чиқиб айтиш мумкинки солиқлар ва йиғимларни тўлиқ ўз вақтида давлат бюджетига ундириш учун солиқ тўловчиларни солиқларга нисбатан онгли муносабатлари юксак даражада бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Демак солиқ тўловчиларни солиқларга бўлган ишонч ва эркинликларини ошириш юқорида такидлаб ўтилган натижаларга эришиш учун асосий омил бўлиб хизмат қилади.

3.2. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида солиқ менежментини ташкил қилиш механизмини такомиллаштириш йўналишлари

Хўжалик субъектларининг бюджет билан молиявий муносабатларини бозор иқтисодиётига ўтиш босқичларида такомиллаштириш иқтисодий ислохотнинг энг муҳим ва қийин муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда чунки иқтисодий ислохотларни барқарорлашуви солиқлар орқали давлат бюджет даромадларини тўлиқлигини таъминлаш даражалари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб қолмоқда. Илмий-техника тарақиётини рағбатлантириш, нарх ўсиши ва инфляцияни чеклашнинг асосий омили бўлиб ҳам солиқлар ҳисобланмоқда.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакким турли иқтисодий тараққиёт босқичларида бюджет даромадларини шакллантиришда асосий манба ролини бажариб келган бўлса, ҳозирги шароитда бундай манба ролини ишлаб чиқариш жараёнларида юзага келтирилаётган даромад (фойда) бўлиб ҳисобланмоқда.

Шунинг учун ҳам давлат бюджетини етарли миқдорларда пул маблағлари тушуми билан таъминлашда турли соҳа корхона (ташкилотлари) тамонидан олинаётган даромад (фойда) ўсишига этибор ошмоқда. Давлат бюджети ўсишини таъминлашда давлат турли чоратadbирларни ишлаб чиқиш ва амалётга тадбиқ этишда етакчилик қилмоқда.

Шуниси диққатга сазоварки давлат ишлаб чиқариш соҳаларини нафақат молиявий ресурслар билан таъминлаш балким бир вақтнинг ўзида уларга катта имтиёзларни яратиб бериш орқали бюджет даромадларини ўсишини таъминлашда устиворлик қилмоқда.

Мажбурий солиқ тўловлари бўйича яратилаётган енгилликлар солиқ тўловчиларнинг иқтисодий-ижтимоий тараққиётни таъминлашдаги фаоллигини тобора ошиб боришига олиб келмоқда.

Хуллас жамият ривожлана борган сайин солиқ тўловчиларнинг фаоллигига, солиқ муносабатлари, солиқ солиш объектларини ташкил этувчи кўрсаткичларини асосли чегаралари ҳам ривожланди ва барқарорлашади. Шунингдек солиқларнинг давлат ҳокимиятини таъминлаш молиявий манбаи, иқтисодиёт ва ижтимоий масалаларни тартибга солиш фаоллиги сифатидаги роли товар-пул муносабатлари ривожланиши билан тобора кучая бормоқда.

Иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни доимий равишда модернизациялаш ва технологик жиҳатдан янгилаб бориш иқтисодиётни ислоҳ этишнинг стратегик вазифаларидир. Фақат шунинг ҳисобидан иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, жаҳон бозорида муваффақиятли рақобатлашиш мумкин. Бу ҳақда Президент И.А.Каримов “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” номли 2009 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2010 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида шундай дейди: «2010 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим мақсади ва асосий устувор вазифаси – бу ислохотларни давом эттириш ва чуқурлаштириш, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини сўзсиз бажариш ва шу асосда иқтисодий ривожланишнинг юқори ва барқарор суръатларини, самарадорлигини ҳамда макроиқтисодий мувозанатни таъминлашдан иборатдир.

Юртимиз салоҳиятининг тобора юксалиб бораётгани, сўнгги йилларда ишга туширилган янги замонавий қувватлар, ишлаб чиқариш ва ижтимоий

инфратузилманинг ривож, тизимли равишда амалга оширилаётган ислохотлар ва иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши, мамлакатимизда яратилган ниҳоятда қулай инвестиция муҳити бизга 2010 йилда қуйидаги режаларни белгилашга асос беради».³⁵

Солиқларни давлат бюджети даромадларининг асосий манбаи сифатидаги моҳиятини очиб беришда Ж.М.Кейнснинг хизматлари жуда каттадир. Унинг фикрига кўра, бозор механизми такомиллашмаган механизмдир, шунинг учун иқтисодиёт ўз-ўзини бошқаришнинг самарали инструментларига эга эмасдир. Бундай шароитда фақат давлат фискал ва пул кредит сиёсати орқали иқтисодиётни тартибга солиш қобилиятига эгадир. Кейнс мазкур усуллар ичида солиқларни бозор иқтисодиётини тартибга солишдаги ролига алоҳида эътибор қаратди. Унинг фикрига кўра юқори прогрессив солиқлар давлат бюджетини мувозанатлашган бевосита ижобий таъсир кўрсатади. Бунда давлатнинг адолатли ижтимоий сиёсати муҳим аҳамият касб этади, чунки аҳолининг кам таъминланган қатламлари солиқдан озод қилинади ва солиқ юки тўлиқ бадавлат солиқ тўловчилар зиммасига юкланади. Кейнснинг қатъий тарзда эътироф этишига кўра, катта жамғармалар иқтисодий ўсишга халақит беради. Чунки улар ишлаб чиқаришга йўналтирилмайди ва даромадларнинг пассив манбаи ҳисобланади. Шунинг учун ортиқча жамғармаларни солиқлар ёрдамида ундириб олиш зарур.

Давлат бюджета даромадларининг бош моддий манбаи миллий даромад ҳисобланади. Миллий даромадни давлат томонидан ўзлаштириш турли усуллар ёрдамида амалга оширилади. Жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг ҳозирги босқичида миллий даромад давлат томонидан ўзлаштирилиши қўйидаги уч асосий усул воситасида амалга оширилмоқда:

1) Солиқлар.

³⁵ Президент Ислам Каримовнинг 2009 йилнинг асосий йқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.29.01.2010 йил

2) Давлат кредити.

3) Банк тизимининг кредитлари.

Шуниси характерлики, давлат бюджетининг даромадларини шакллантиришда ва миллий даромадни давлат фойдасига қайта тақсимлашда биринчи усул устувор аҳамиятга эга. Бунинг боиси шуидаки, солиқлар моддий ва ижтимоий мазмунга эга. Улар такрор ишлаб чиқариш жараёнининг муҳим таркибий қисми ва ишлаб— чиқариш муносабаглариининг махсус шакли сифатида миллий даромадни қайта тақсимлашда иштирок этади. Бунинг устига, давлат солиқлардан ўз даромадларини шакллантиришнинг асосий усули сифатида ташкил топган вақтидан бошлаб фойдаланиб келмоқда, ҳозирги вақтда дунёнинг деярли барча мамлакатларида солиқлар давлат бюджета даромадларининг бирламчи манбаи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадларининг асосий (90 фоиздан ортиқ) қисми солиқ тушумларидан иборат.

Солиқларни давлат бюджети даромадларининг асосий, бирламчи манба эканлиги, уларнинг моҳиятини очиш мақсадида қатор илмий ташкилотлар олиб борилган. Солиқларни бюджет даромадларининг манбаи сифатидаги моҳиятини назарий жиҳатдан асослаб берган биринчи олим В.Петти ҳисобланади. У ўзининг 1662 йилда ёзган «Солиқлар ва йиришлар тўғрисида трактат» номли илмий асарида давлат учун зарур бўлган солиқлар миқдорини асослаб бериш учун давлат харажатларининг мажмуини аниқлашга ҳаракат қилди. В.Петтининг фикрига кура, давлат фойдасига солиқларни ундириш мутаносиб бўлиши лозим, чунки бу механизм турли миқдордаги даромадлар учун «бетараф» ҳисобланади: «Солиқ қанчалик улкан бўлмасин, агар у барчага мутаносиб равишда белгиланган бўлса, у туфайли ҳеч ким бойлигининг кандайдир қисмини йўқотмайди. Бундай ташқари, йирилган солиқлар ҳамлакатдан чиқиб кетмас экан, мамлакат бошқа мамлакатларга нисбатан бир хилда бой бўлиб

холаверади». Демак, Петти солиқларни бюджет даромадларининг асосий манбаи сифатидаги ролини эътироф этган ҳолда, солиққа тортишни барча солиқ тўловчилар учун тенг бўлишини таъкидлаб утган.

Классик иқтисодчилардан А. Смит солиқларни фақат давлат бюджети даромадларининг манбаи сифатида тадқиқ қилади. Унинг фикрига кура, солиқлар ҳукуматни саклаш харажатларини коплашга етиши зарар. Демак, А.Смит ўзининг бутун диққат— эътиборини солиқларни фискаллик функциясига қаратди.

А.Смит ўзининг «Табиат ва халқларнинг бойликларини сабаблари»³⁶ номли илмий асарида биринчи марта солиққа тортишнинг умумий тамойилларини шакллантирди. Бўлар:

- 1) Хужалик мустақиллиги тамойили.
- 2) Адолат тамойили.
- 3) Аниқлик тамойили.
- 4) Тежамкорлик тамойили.

Шунингдек, А. Смит солиқ юкини тақсимлаш назариясини кўйидагича шакллантирди: барча солиқлар пировард натижада, ер эгаларидан олинади, чунки улар даромаднинг кўзралмас манбаини доимий эгалари ҳисобланишади. А.Смит физиократларлан фаркли равишда ягона солиқ назариясини қуллаб-қувватламади. Унинг фикрига кура, рецтани солиққа тортиш билан бирга иш ҳақиға солинадиган солиқ ҳам мавжуд бўлиши лозим. Ушбу солиқ иш ҳақини туланган солиқларнинг тури, суммасига кўпайтиради, агар фақат меҳнатга бўлган талабни камайиши юз бермаса, албатта. Бундан ташқари, А.Смит истеъмол буюмларига ҳам солиқлар солишни таклиф қилган, бу солиқлар товарлар баҳосини оширади ва товарларнинг алоҳида турларига бўлган талабнинг ўзгарунчаклигига таъсир қилади.

Классик иқтисодчи Д.Рикардо, Л.Смитнинг солиқлар тўғрисидаги

³⁶ Смит А. Табиат ва халқларнинг бойликларини сабаблари.-М.:Ось-89, 1997, 255 б.

назариясини сезиларли даражада тулдирди. Ўзининг олдии ўтган таниқли иқтисодчилардаи нархли уларок, Д.Рикардо солиққа тортишниинг янги тамойилини яратди. Ушбу тамойилга кура, барча солиқлар, агар у ишлаб чиқариш ҳажминн ошириш ёки ноишлаб чиқариш характеридаги истеъмолии камайтиришга асосларидан ҳолда урнатилмагани бўлса, капитални жамғаришга тусқинлик қилади.

Солиқларни давлат бюджети даромадларининг асосий манбаи сифатидаги моҳиятини очиб беришда Ж.М.Кейнснинг хизматлари жуда каттадир. Унинг фикрига кура, бозор механизми такомиллашмаган механизмдир, шунинг учун иқтисодиёт ўз-ўзини бошқаришнинг самарали инструментларига эга эмасдир. Бундай шароитда фақат давлат фискал ва пул кредит сиёсати орқали иқтисодиётни тартибга солиш қобилиятига эгадир. Кейнс мазкур усуллар ичида солиқларни бозор иқтисодиётини тартибга солишдаги ролига алоҳида аътибор қаратди. Унинг фикрига кура, юқори прогрессив солиқлар давлат бюджетини мувозанатлашган бевосита ижобий таъсир кўрсатади. Бунда давлатнинг адолатли ижтимоий сиёсати муҳим аҳамият касб этади, чунки аҳолининг кам таъминланган каттамлари солиқдан озод қилинади ва солиқ юки тулиқ бадавлат солиқ тўловчилар зиммасига юкланади. Кейнснинг қатъий тарзда эътироф этишига кура, катта жамғармалар иқтисодий усишга ҳалақит беради. Чунки улар ишлаб чиқаришга йуналтирилмайди ва даромадларнинг пассив манбаи ҳисобланади. Шунинг учун ортиқча жамғармаларни солиқлар ёрдамида ундириб олиш зарур.

Кейнснинг солиқ назариясига оид қарашлари унинг издошларини назарий қарашларига ўз таъсирини кўрсатди. Америкалик иқтисодчи олимлар - Г.Тибольд, Ж.Печлер; Англиялик иқтисодчи олимлар - Т.Коу, К.Кросланд; Француз иқтисодчи олимлари М.Клюзо, Ж.Фурастьелар Ж.М.Кейнснинг издошлари бўлиб, юқори солиқ ставкаларини қуллаш, давлат бюджетидида йирик маблағларни туплаш, давлат томонидан йирик

ижтимоий дастурларни амалга ошириш тарафдорлари бўлиб чиқдилар.

Ўзбек олимларидан Р.Яхёев солиқларни бюджет даромадларининг манбаи сифатида тадқиқ қилар экан. «Солиқларнинг объектив зарурлигидан давлатнинг бажарадиган қатор функцияларини маблағ билан таъминлашнинг зарурлигидан келиб чиқади» деган хулосани шакллантирган. Лекин, бирон—бир мамлакат амалиётида юқорида қайд этилган назарияларнинг биронтаси соф холила қулланилмайди. Одатда, мазкур назарий окимларнинг айрим қоидаларидан миллий солиқ тизими маълум бир даврий ораликларда фойдаланилади.

Шундай қилиб, Республикамизда бюджет даромадларини шаклланишни таъминлаш ва халқаро солиқ сиёсати муоммолари ўзаро умумийлик ҳамда ўзига хосликка эга эканлигини ҳисобга олган ҳолда, хулоса қилиш мумкинки, билвосита солиқлар улушининг ошиши жараёнига бир томонлама баҳо бериш мумкин эмас. Аслида солиқ тизимларининг такомиллашиб бориши шунини кўрсатмоқдаки, билвосита солиққа тортиш талаб ва таклиф механизмига таъсир этиши орқали рақобатни издан чиқарувчи омил саналади. Бизга маълумки, рақобатли бозор тизими ресурсларни шундай товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришга йўналтирадики, уларга ҳаммадан кўра кўпроқ жамият эҳтиёж сезади, айнан шу фаолият ривожига билвосита солиққа тортиш механизми салбий таъсирга эга бўлади.

Айни вақтда алоҳида таъкидлаш лозимки, албатта билвосита солиққа тортиш орқали кечаётган туб таркибий ўзгаришлар қатор ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг ечиш омили бўлмоқда. Шу нутаи-назардан мамлакатимизда солиқ тизими орқали бюджет даромадларини шакллантиришда халқаро солиққа тортиш амалиётида шакланган барча афзалликлардан ўзига хос тарзда фойдаланишнинг энг маъқул бўлган механизмини йўлга қўйиш давр талабидир.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишда ўта муҳим

аҳамият касб этади. Ушбу муаммолар сирасида солиқлар ёрдамида амалга оширилувчи, бюджетнинг даромад қисмини шакллантириш долзарб бўлиб ҳисобланади. Кўпчилик солиқлар - бу давлатнинг бойиш воситаси деб фикр юритишади. Албатта, бу фикр нотўғридир. Солиқлар - бу давлат томонидан кўрсатилувчи хизматлар эвазига тўланадиган ҳақдир.

Бюджет тизимидаги ҳар бир бўғин ўз даромад ва харажатларига эга. Даромад ва харажатларнинг бўғинлари ўртасидаги тақсимооти мамлакат Конституцияси, молиявий қонунлар, бюджет ҳуқуқлари асосида тақсимланган. Бу тақсимотда корхона ва ташкилотнинг хизмати аҳамияти, қаерда жойлашганлиги, ишлаб чиқариш қувватларига эътибор берилган.

Солиқ қонунчилиги мураккаблашиб бораётгани сабабли, солиқ тўловчиларга мураккаблашаётган ва ошиб бораётган вазифаларини бажаришларида ёрдам кўрсатишни тақозо этади.

Солиқ йиғиш жараёнини иложи борида арзонлаштириш шундан иборатки, солиқ йиғишга давлат томонидан ҳам, солиқ тўловчилар томонидан ҳам иложи борида кам сарф-харажат бўлишини кўзда тутаяди. Ўзбекистон Республикасида бунинг учун солиқларни мақбуллаштириш, компьютер технологияларини, солиқ тўловчининг харажатларини камайтириш мақсадида солиқларга доир ахборотлар ишончилигини билвосита назорат қилиш усуллари қўллаш йўли билан солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш билан бир қаторда солиқ идоралари қошида сервис-марказлар тизими, шунингдек, солиққа тортиш масаласи бўйича солиқ идораларининг бепул маслаҳатлари ташкил этилган.

Солиққа тортиш даражаси иқтисодиёт, ижтимоий ҳимоя, мудофаа қобилияти ва ижтимоий соҳаларда давлат сиёсатини амалга ошириш учун зарур бўлган молия ресурсларининг жамланишини таъминлаши керак. Солиқ сиёсатидаги етарлилик қондаси солиқ сиёсатини белгилашда уни давлатнинг қабул қилинган ижтимоий-иқтисодий сиёсати билан қатъий қилиб боғлашни тақозо этади. Солиқ тўловчи ва давлат манфаатлари

ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг тенглиги қоидаси шундан иборатки, солиқ муносабатлари иштирокчиларининг ҳар бири ўзининг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга.

Солиқ таснифлари, солиқ ставкалари бошқа мамлакатлардаги шунга ўхшаш солиқ ставкалари билан қиёсланадиган бўлиши, минтақавий ўзига хосликни ҳисобга олиб, бошқа мамлакатлар билан хўжалик фаолиятининг тахминан тенг шарт-шароитларини яратиш керак.

Бизнинг фикримизча, бюджетнинг даромадлар таснифини такомиллаштириш мақсадида, давлат бюджети даромадларидан ички ва ташқи фойдаланувчилар учун, бюджетга «тиниклик» ва «ошқоралик» бериш учун, максимал ишончли, тўлиқ ва тезкор ҳисобот учун жаҳон стандартларида қабул қилинган Жаҳон Валюта жамгармаси Давлат молияси статистикаси даромадларни гуруҳлаш таснифига бюджетнинг даромадлар таснифини гуруҳлашни мослаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шуни айтиб ўтиш керакки, бевосита солиқларни тўғридан-тўғри даромаддан солиқ тўланганлиги учун солиқлар ставкасининг камайтирилиши корхоналар даромадининг кўп қисмини уларга қолдириб, инвестиция фаолиятини кенгайтириш имконини яратади, бозор иқтисодиётини ривожлантиради. Аксинча, бу солиқларнинг ставкалари кўпайтирилса, бизнес имкониятлари камаяди, иқтисодий ривожланишни сусайтиради. Демак, бу гуруҳ солиқларнинг ставкалари тўғридан-тўғри бозор иқтисодиёти билан чамбарчас боғланган. Шуни алоҳида айтиб ўтиш керакки, билвосита солиқларнинг иқтисодиёт тараққиётидаги аҳамияти каттадир. Билвосита солиқлар ундиришнинг оддийлиги билан ажралиб туради, уларни қўллаш ишлаб чиқариш пасайиб кетаётган шароитда ҳам бюджетни маблағ билан таъминлаб туриш имконини беради. Билвосита солиқлар таркибига ҚҚС, акциз солиғи, божхона божи киради. Божхона

божлари эса мамлакат ташқи иқтисодиёт фаолиятини, ички бозорнинг ва миллий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилишни тартибга солишда аҳамият касб этади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, бевосита ва билвосита солиқлар бири билан ўзаро боғланган, умумий солиқ суммаси ўзгармаган ҳолда, бирининг ставкасини камайтириш иккинчисини ставкасини оширишни талаб этади. Билвосита солиқларни юридик тўловчилари маҳсулот юклаб (иш бажариб, хизмат кўрсатиб) юборувчилардир. Лекин солиқнинг оғирлигини ҳақиқатдан ҳам бюджетга тўловчилари товарни (ишни, хизматни) исьтемом қилувчилардир. Бу солиқларни амалиётга киритишнинг ижобий томони шуки, республикада ишлаб чиқилган товарларни четга чиқиб кетишини чегаралайди, мамлакат ичида товарлар кўп бўлишига ёрдам беради. Чунки билвосита солиқлар орқали товарлар қиймати оширилмаса, бозорларда уларнинг тақчиллиги ортади.

Билвосита солиқлар ставкасининг илмий оширилиши корхоналар фаолиятининг молиявий якунига тўғридан-тўғри таъсир этмайди, инвестиция фаолиятини қисқартирмайди. Аммо солиқ ставкаси янада ошиб борса, корхона ва ташкилотларнинг маҳсулотлари сотилмайди, фойда олиш ҳам, бюджетга тўловлар ҳам камаяди. Бу солиқларнинг яна бир томони муомаладаги ортиқча пул массасини камайтириб, инқирозни жиловлаб туради, бироқ, бу солиқлар аҳолининг реал даромадини пасайтиради. Корхоналарга тўғри солиқлар ставкасини камайтириш ҳисобига берилган имконият кўпроқ маҳсулотнинг ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, маҳсулотлар мўл-кўллиги таъминлашдир.

Республикамизда бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида мулкчилик шаклидан каътий назар хўжалик субъектларининг самарали фаолияти учун шарт-шароитлар яратиб бериши, юридик шахслар мол-мулкининг тегишли тартибда баҳоланиб, ҳисобга олиниб, солиққа тортилишини таъминлаш, солиққа тортиладиган базани тақомиллаштириб бориши муҳимдир.

Шунингдек, юридик шахслар оладиган мол-мулкларини солиққа тортиш, ҳисобланган солиқларни ундириш билан боғлиқ бир қатор мунозаравий ва амалий тусдаги ҳал қилинмаган муаммолар ўз ечимини кутмоқда.

Амалдаги қонунчилигига мувофиқ, юридик шахсларнинг тасарруфида бўлган мол-мулкларнинг миқдори ва қиймати чекланмаган, имкон қадар мол-мулкларни кўпроқ тўпланиши ва мулкдорларнинг моддий бойлигини ўсиши имкони туғилмоқда. Лекин, шу билан бирга жамиятнинг турли синф ва гуруҳлари ўртасида мулккий табақаланиши муаммоси ҳам кучаймоқда. Бундай муаммоларни маълум даражада мол-мулкларни солиққа тортиш орқали бартараф этиш мумкин. Шунингдек, кўпчилик турдаги даромад ва мол-мулкларни солиққа тортиш орқали, юридик шахсларнинг мулккий ҳолатини бошқариб туриш таъминланади ҳамда жамият олдида мулкдорларнинг солиқ бўйича жавобгарлигини тенг таъминлашда мулккий солиқлар имкон қадар кўпроқ аҳамиятга эга бўлиб, даромад солиғини тўлдирган ҳолда асосий воситаларни жамғарилишига ва улардан самарали фойдаланилишига олиб келади.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкларни баҳолаш механизмларини такомиллаштириш масалаларига ҳам жиддий эътибор қаратмоғимиз лозим.

Бизга маълумки Республика миқёсида солиқларни ундириш ва тартибга солиш давлат бюджетидан бир мунча харажатларни талаб қилади. Яъни бунда солиқ тўловчилардан жойларда солиқ ундириш учун уларни солиқлар ҳақида огохлантириш, ҳисоботларини қабул қилиш ёки солиқ оид қонунбузарликларни содир этган солиқ тўловчиларга нисбатан тегишли чораларни куриш каби харажатлар тушунилади. Солиқларни ундириш жараёнида албатта бу харажатларни бўлади, бироқ бу харажатларни имкон қадар камайтириш керак бўлади. Чунки солиқ ундиришга кетадиган харажатлар камайтирилса, тежаб қолинган маблағлар давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларини янада ривожлантиришга сафарбар қилинади. Аслида солиқ турларини соддалаштиришдан ҳам

асосий мақсад солиқларни ундириш жараёнини самарадорлигини ошириш ҳисобланади. Самарадор бу –солиқларни ундириш жараёнидаги харажатларини камайтиришни англатади. Ёки қуйидагича таъриф бериш мумкин "Самарадорлик" талаби солиқ, тўловчи солиқ тўлаш мажбуриятини бажариш муносабати билан уни амалга оширадиган вақт, меҳнат ва пул сарфларини минималлаштиришни (камайтиришни) англатади. А.Смитнинг талқинида булар унинг учинчи ва тўртинчи талаблари (солиқ тўловчининг солиқ тўлаши вақти ва жойи қулайлиги ва унинг жуда кам қўшимча сарф қилиши талабларидир. Ҳақиқатан ҳам, ўша вақтларда маъмурлар солиқ тўлаш борасида алоҳида шарт ва чеклашлар жорий этишни суистеъмол қилар эди (солиқни ноқулай вақт ва ноқулай жойда тўлаш талаб қилинганлиги, ҳақсиз равишда тез-тез солиқ ундирилгандаги, солиқни фақат воситачилар, отқўп эгалари орқали тўлаш шарт қилиб қуйилганлиги, уларни солиқ тўловчилар ўзларининг ҳисобларидан таъминлаш лозимлиги шулар жумласига кирар эди).

Ҳозирги пайтда бу тамойил анча кенг талқин қилинмоқда. Биринчидан, солиқларни ҳисобга олишни жорий этиш ва солиқлар юзасидан ҳисоботлар тақдим этиш каби солиқ борасида юзага келган қўшимча мажбуриятларни бажаришга солиқ тўловчилар қилаётган сарфларни эътиборга олиш даркор. А.Смитнинг замонасида фуқароларнинг бундай сарфлари минимал (кам) даражада эди, солиққа тортишнинг замонавий тизимларида эса фуқаролар ва корхоналарнинг мазкур вазифаларни бажариш борасидаги сарф-харажатлари анчагина бўлиб, баъзида бу харажатлар тўланиши керак бўлган солиқ суммаси миқдорининг ўзига тенглашмоқда. Ғарбдаги қатор мамлакатларда солиқ тўловчиларнинг бундай сарфлари аллақачон эътироф қилинган ва бу сарф-харажатлар қатъий назорат қилинади (масалан, АҚШда даромад солиғи ундириш тизимида ҳар қандай жиддий ўзгартишлар киритишда ўрта ҳисобдаги солиқ тўловчининг янги қоидалар бўйича солиқ декларациясини

тўлдиришига керак бўладиган вақт мажбурий тарзда ҳисоблаб чиқилади ва эълон қилинади).

Иккинчидан, солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатлари мураккаблашуви, солиқ борасидаги назоратни таъминлашга сарф -харажатлар ошуви (солиқ ставкалари ошган сайин ушбу назоратни кучайтиришга тўғри келади) муносабати билан солиқ органларининг (давлатнинг) сарф - харажатлари узлуксиз ортиб боришини, солиқ органлари ходимлари сони кўпайиши ва бу органлар тобора замонавий ва қимматбаҳо техник восита ва асбоб - ускуналар билан жиҳозланишини ҳам эътиборга олиш лозим. Шу билан бирга илм - фан ва технологиялар тараққиёти ундириладиган солиқ (пулли) бирлигига давлат сарфлари салмоғини нисбатан камайтириш имконини беради.

Аввалари давлат йиғиладиган маблағ миқдорининг 25,0 - 30,0%гача қисмини солиқларни йиғиб олишга сарфлаган бўлса (отқўп қилинган ҳолларда эса бу пропорция хатто 50,0-100,0%гача етар эди), ҳозирги пайтда солиқлар йиғиб олишга ҳазинага йиғиб олинадиган маблағ миқдорининг кўпи билан 5,0 - 7,0% қисмини сарфламоқда. Турли, солиқларнинг турли хиллари бўйича мазкур қийматлар анчагина тафовутлилиги сақланмоқда: Ғарбий Европада қўлланилаётган қушилган қиймат солиғи шакли бўйича уни ундириб олиш сарф - харажатлари йиғиб олинган солиқ миқдорининг 2,5 -3,0%идан ошмаётган бўлса, аҳолидан даромад солиғи ундириб олиш сарф -харажатлари 10,0% ва баъзида ундан ҳам кўпроққа етмоқда.

А.Смитнинг тушунишича, солиқ ундиришдаги "адолат" талаби солиқ юкини барча солиқ тўловчилар ўртасида тенг баробар тақсимлашни англатар эди. А.Смитга қадар баъзида бундай тенг -баробарлик ҳар бир фуқародан ундириладиган солиқ суммасининг арифметик тенгламаси сифатида талқин қилинар эди (солиқнинг жон бошига туғри келадиган тақсимооти" бунга мисол бўлиши мумкин). А.Смитнинг хизмати шундаки, у

хар бир фукародан ундириладиган солиқ билан унинг даромади миқдорининг бир - бирига туғри келишини "солиқ адолати", деб ҳисоблашни таклиф этди, яъни у солиқ солишдаги мутаносибликни киритди. Кўпроқ даромад олувчи (даромадга эга булувчи) кўпроқ солиқ тўлаши ҳам керак.

Бугунги солиқ тизими солиқнинг барча субъектларига нисбатан солиқ юкининг адолатли тақсимланиши тусига эга бўлиши лозим. Бу талаб шуни англатадики, барча солиқ тўловчилар давлатнинг бутун иқтисодий маконида бир хил ҳуқуқларга эга булишлари ва бир хил мажбуриятларни бажаришлари шарт, Шу нуқтаи назардан солиқ. ҳақидаги қонун ҳужжатларида айрим фуқароларга, шахслар гуруҳлари ёки ҳудудларга имтиёзли тартиблар белгиланган бўлмаслиги лозим. Бу талаб шуни англатадики, давлатда солиқлар борасида оффшор, эркин зоналар ҳамда имтиёзларга эга бўлган бошқа зоналар бўлмаслиги керак. Айрим зоналар ва тартибларга, айрим ҳудудларга солиқлар борасида имтиёзлар белгиланиши айрим солиқ субъектларигагина эмас, балки бутун ҳудудларга нисбатан ҳам айти камситиш тусига эга бўлиб, давлатнинг ягона иқтисодий маконида фуқароларни тенгсиз шарт - шароитга қўяди.³⁷

Бироқ солиқлар сонини камайтириш ёки ягона солиқ жорий этиш барча ҳолларда ҳам солиқ субъектларининг моддий аҳволи яхшиланишига олиб келавермайди, балки, аксинча, уларнинг аҳволи ёмонлашишига олиб келиши ҳам мумкин. Ҳамма гап жорий қилинадиган солиқ ставкаларига боғлиқ бўлади. Шу билан бирга талаб солиқларни ҳисоблаб чиқишни соддалаштиришни, солиқларни тўлаш устидан назоратни кучайтиришни, солиқларни йиғиш жиҳатидан оқилона ва самарали тизимни юзага келтиришни оптималлаштириш кўзда тутилади.

Бизнинг мамлакатимиз солиқ тизимида ҳам бу каби тушунчалар мавжуд.Бироқ мамлакатлар солиқ тизимида уртасида солиқларни ундириш

³⁷ Ж.Ўрмонов“Хорижий мамлакатлар солиқ тизими” ўқув қўлланмаси.Тошкент.2008. 10-бет.

ва ундирилган солиқ тушумларини қайси соҳаларга йуналтириш билан қиёсланади. Ривожланган мамлакатлар солиқларни ундиришни самарали усуллари жорий қилинган бўлиб, бунга кура солиқ турларни соддалаштириш орқали солиқ тўловчиларни ишини йингиллаштириш ва солиқ ундиришни нақд пулсиз куриниш куллаш амалиётга жорий қилинган. Солиқ тулашнинг нақд пулсиз усули солиқ тўловчиларга ҳам бир мунча қулайлик яратади. Бунда солиқ тўловчининг банклардаги ва бошқа ҳисоб рақамларидаги пул маблағларидан тегишли солиқ тури бўйича солиқ ундирилади ва солиқ тўловчини бу ҳақида огоҳлантирилади. Бу усул қулай ва самарали ҳисобланади. Чунки солиқларни ундириш жараёнида ортиқча қоғозбозликга йўл қуйилмайди. Бу эса солиқ ундириш харажатларини камайтиради.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда қуйидаги таклифларни давлатимиз солиқ сиёсати амалиётига қисман қўшимча деб ҳисобланади:

1. Республикамизда амал қилаётган қўшилган қиймат солиғида “Пасайтирилган” ставкани жорий қилиш, алоқа хизматлари, озиқ-овқат, дори-дармон маҳсулотлари учун, аҳолини юқори сифатли алоқа хизматлари билан таъминлаш ҳамда, ижтимоий ҳимоялаш мақсадида ҚҚС ставкасини табақалаштириш лозим.

2. Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблашда ҳисоблаш базаси умумий сумма эмас, фақатгина қўшилган қийматнинг ўзи бўлиши керак.

3. Жисмоний шахслар даромад солиғини ҳисоблашда солиққа тортилмайдиган минумумни жорий қилиш, яъни энг кам иш ҳақининг бир баробаридан солиқ ундирмаслик орқали аҳолини кам таъминланган қатламини рағбатлантириш керак.

4. Жисмоний шахслар даромад солиғини ҳисоблаш ва ундириш тартибини осонлаштириш мақсадида лавий даромадни солиқ солиш базаси деб қараш ва ставкаларни табақалаштириш мақсадга мувофиқ.

3.БОБ. бўйича хулоса

Ушбу бобда солиқ менежментини ташкил қилиш билан боғлиқ муаммолари, солиқларни ундириш жараёнини соддалаштириш ва самарали солиқ менежментини ташкил қилиш орқали миллий иқтисодиётни ривожлантириш йўллари таҳлили, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида солиқ менежментини ташкил қилиш механизмини такомиллаштириш йўналишлари кузатилди.

Шу аснода қуйидаги бир неча таклифлар ишлаб чиқилди:

1. Республикамизда амал қилаётган қўшилган қиймат солиғида “Пасайтирилган” ставкани жорий қилиш, алоқа хизматлари, озиқ-овқат, дори-дармон маҳсулотлари учун, аҳолини юқори сифатли алоқа хизматлари билан таъминлаш ҳамда, ижтимоий ҳимоялаш мақсадида ҚҚС ставкасини табақалаштириш лозим.

2. Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблашда ҳисоблаш базаси умумий сумма эмас, фақатгина қўшилган қийматнинг ўзи бўлиши керак.

3. Жисмоний шахслар даромад солиғини ҳисоблашда солиққа тортилмайдиган минумумни жорий қилиш, яъни энг кам иш ҳақининг бир баробаридан солиқ ундирмаслик орқали аҳолини кам таъминланган қатламини рағбатлантириш керак.

4. Жисмоний шахслар даромад солиғини ҳисоблаш ва ундириш тартибини осонлаштириш мақсадида лавий даромадни солиқ солиш базаси деб қараш ва ставкаларни табақалаштириш мақсадга мувофиқ.

ХУЛОСА

Юқорида “Телекоммуникация корхоналарини солиққа тортишнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш” мавзусидаги диссертация ишида солиқларнинг давлат бюджетига аҳамияти ёритиб берилди. Албатта ҳар қандай солиқ тизими ўз –ўзида пайдо бўлиб қолмаган ва ривожлана олмайди. Айниқса ҳозирги бозор иқтисоди шароитида жаҳон хўжаликлари иқтисодиётининг бир-бирига мослашиши натижаси ўлароқ солиқ тизими ҳам том маънода шу бир хилликдан келиб чиққан тарзда ривожланиш босқичида бўлади. Мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритиб, иқтисодий ислохотлар йўлини танлагандан сўнг, ўз олдида ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда бошқа бозор иқтисодиётига ўтишдек мураккаб жараёни бошидан кечираётган ривожланган ва ривожланаётган хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларидан келиб чиққан тарзда мазмунан янги солиқ тизимини вужудга келтириш вазифаси турар эди. Бозор муносабатлари, хўжалик юритишнинг янги шакллари ривожланиши билан солиқ қонунчилигимизда ҳам юқорида зикр этилган тамойиллардан келиб чиқиб ҳамда бошқа ислохотларнинг устивор вазифаларини амалга ошириш жараёнида жиддий ўзгаришларга учради. Жумладан солиқ тизимимиз ҳозирги кўринишга келгунчун 4 босқични бошдан кечирди. Яъни бу йиллар давомида солиқ тизимимизнинг ҳукукий базаси яратилди, ортиқча йиғим ва тўловлар қисқртирилиб, кераклилари жорий қилинди, солиқ тўловчилар учун енгилликлар яратилиб, турли имтиёз ва преференсиялар берилди, солиқ юки йилдан йилга камайтирилиб борилди, солиқ тизими ва тизим фаолияти соддалаштирилиб, янги технология ва усуллар тадбиқ қилинди.

Юқоридаглар асосида кўриш мумкинки, солиқ тизими анча мукаммаллашган ҳамда бу мукаммаллик ўз самарасини бермоқда. Чунончи давлат бюджети даромадлари таркибида солиқнинг улуши йилдан йилга ўсиб, қарийб 90% ни кўрсатмоқда. Бу эса албатта солиқ тизимида олиб

борилаётган ислохатлар ва илгари сурилаётган устивор йўналишлар натижаси. Масалан, республика солиқ сиёсатида амалга оширилаётган чора-тадбирлар асосини қуйидаги устивор йўналишлар қамраб олган:

- солиқ юкини босқичма-босқич камайтириб бориш;
- солиқ қонунчилигининг ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларини эътиборга олган ҳолда такомиллаштириб бориш;
- амалдаги мавжуд солиқ турларини қисқартириш ва уларни унификация қилиш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини солиқ тизими орқали мунтазам рағбатлантириб бориш;
- реал сектор корхоналарининг, шунингдек экспортиёр корхоналар фаолиятини солиқ имтиёзлари орқали рағбатлантириш;
- банкларнинг капиталлашувини оширишда солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини ошириб бориш.

Санаб ўтилган фактлар бугунги кунда ўз натижасини кўрсатмоқда.

Солиқ ислохатларини амалга оширишда мамлакатимиз раҳбарияти томонидан қуйидаги масалаларни ҳал қилиш устивор вазифа сифатида қўйилди:

Биринчидан, корхоналарга нисбатан солиқ юкини имкон қадар камайтириш. Бундан мақсад корхонанинг ўз маблағларини мустақил равишта тасарруф эта олиш салоҳиятига эга бўла олишидир. Энг аввало бевосита солиқларни камайтириш ва билвосита солиқларни ҳамда ресурс тўловларини, айниқса, қайта тикланмайдиган бойликлар, ер ва сув захираларидан самарали ва тежамкорлик билан фойдаланишни оптималлаштиришга алоҳида эътибор бериш лозим.

Иккинчидан, ишлаб чиқарувчилардан бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар учун ундириладиган солиқлар суммаси ялпи ички маҳсулот ва иқтисодий ривожланишнинг белгиланган сураътларида оптимал равишда мувофиқлаштирилиши керак.

Учинчидан, солиқ сиёсатини шакллантириш пайтида бюджетлараро нисбатларга қатъий риоя қилиш, яъни, даромадларнинг қайси қисми ишлаб чиқарувчиларда, қайси қисми маҳаллий ва республика бюджетига тушиши лозимлигининг оптимал нисбатларини таъминлаш керак.

Тўртинчидан, солиқларни бирхиллаштириш, сонини қисқартириш ҳамда улар бўйича ҳисоб-китоб қилиш механизминини соддалаштириш бўйича доимий иш олиб бориш.

Бешинчидан, йиллик солиқ сиёсатини шакллантиришда давлат харажатларини мумкин қадар қисқартириш ва оптималлаштиришнинг энг муҳим устиворлик сифатида инобатга олиш.

Ҳукуматимиз томонларидан ушбу фикрларларнинг эътироф этилиши эса бежизга эмасдир. Чунки солиқ сиёсати иқтисодий ислоҳатнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Иқтисодий сиёсатнинг самараси кўп жиҳатдан тўғри танланган солиқ сиёсати стратегияси ва уни амалга ошириш бўйича олиб борладиган адолатли чора-тадбирларга чамбарчас боғлиқдир. Албатта солиқ тизимини такомиллаштириш ва ундаги ислоҳатларни амалга оширишда тарихий манбалардан, илмий янгиликлардан, шунингдек, ривожланган давлатлар тажрибасидан фойдаланиш катта аҳамият касб этади. Шу нуқтаи-назар билан мамлакатимизда бугунги кунгача солиқ ислоҳатлари тинимсиз амалга оширилмоқда ва ўзининг мувофақиятли натижаларини бермоқда десам муболаға бўлмайди. Зеро, йилдан йилга солиқ қонунчилигимизда бўлаётган ўзгаришлар, яратилаётган енгилликлар, солиқ юки даражасининг камайиб бораётгани, берилаётган имтиёзлар ва солиқ саводхонлиги даражасининг ошиб бораётгани ҳаммамизга маълум. Бунда эса, шубҳасиз, чет мамлакатларининг илғор солиқ сиёсати тажрибаларидан амалда қўллаб фойдаланаётганимиз асос бўлмоқда деб ўйлайман.

Диссертация иши бўйича қўйилган қуйидаги вазифалар бажарилди:

- иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида телекоммуникация корхоналарини солиққа тортишнинг объектив зарурлиги тадқиқ этилди;
- телекоммуникация корхоналарини солиққа тортишнинг ривожланиш босқичлари таҳлил қилинди;
- телекоммуникация корхоналаридан ундириладиган умумдавлат солиқлари, маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг ҳисоблаш тартиби, тўлаш механизмини таҳлил этилди;
- телекоммуникация корхоналаридан фойда солиғи ва ресурс солиқларини ундириш механизмини такомиллаштириш юзасидан илмий таклифлар ишлаб чиқилди;
- телекоммуникация корхоналарининг амалдаги солиққа тортиш жараёнини мувофиқлаштирувчи меъёрий ҳужжатларни иқтисодиётни эркинлаштириш талаблари бўйича такомиллаштириш юзасидан илмий хулосалар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди;
- Солиқларни миллий иқтисодиётда тутган ўрни ва аҳамияти ислоҳ қилинди;
- Иқтисодиётни модернизация қилишда солиқларнинг мазмун ва моҳиятини ўрганилди;
- Солиқларни асосий функциялари ва тамойилларини таҳлил қилинди;
- Ўзбекистонда солиқ ислоҳатларини асосий тенденцияларини баҳоланди;
- Молия-бюджет параметрларини узгаришини тадқиқ этилди;
- Телекоммуникация корхоналарида солиққа тортишнинг иқтисодий самарадорлигини таҳлил қилинди “Ўзбектелеком” АК мисолида;
- Телекоммуникация соҳасида солиққа тортишнинг иқтисодий аҳамиятини ошириш истиқболларини баҳоланди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, меъёрий–ҳужжатлар

- 1.1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.—Тошкент: Ўзбекистон, 2005 й.
- 1.2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. — Т.: Адолат, 2008 й.
- 1.3. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Қонуни. //Халқ сўзи, 29 август 1997 й.
- 1.4. Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги қонуни, 2000 йил 14 декабрь. //Солиқлар ва божхона хабарлари. 2001 й. № 2.
- 1.5. Ўзбекистон Республикасининг “Маҳсулот тақсимотига оид битимлар тўғрисида” ги Қонуни, 20-модда.
- 1.6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бюджет билан ҳисоб-китоблар учун хўжалик юритувчи субъектларнинг маъсулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. 1996 йил 9 август. //Халқ сўзи газетаси.
- 1.7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-3620-сонли Фармони (2005 йил 20 июн).
- 1.8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-3619-сонли Фармони (2005 йил 14 июн).
- 1.9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида”ги ПҚ-100-сонли Қарори (2005 йил 15 июн).
- 1.10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасининг 2004 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги 567-сонли Қарори, 2003 йил 30 декабрь.
- 1.11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги 610-сонли Қарори (2004 йил 28 декабр).
- 1.12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон

- Республикасининг 2006 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-244-сонли Қарори (2005 йил 27 декабр).
- 1.13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-532-сонли Қарори (2006 йил 18 декабр).
- 1.14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-744-сонли Қарори (2007 йил 12 декабр).
- 1.15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 13 ноябрдаги 390–сонли «Бозорни истеъмол товарлари билан тўлдиришни рағбатлантириш ҳамда ишлаб чиқарувчилар ва савдо ташкилотларининг ўзаро муносабатларини такомиллаштириш чора–тадбирлари тўғрисида»ги қарори //Тошкент оқшоми. –2002. 15 ноябр.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

- 2.1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. –325 б.
- 2.2. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. –Тошкент: Ўзбекистон, 1998.–682 б.
- 2.3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда, –Тошкент: Ўзбекистон. –2000.–352 б.
- 2.4. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз //Халқ сўзи. –2001. – 17 феврал.
- 2.5. Каримов И.А. Жамиятда тадбиркорлик руҳини қарор топтириш – тараққиёт гарови //Халқ сўзи. –2001. 18 июл.
- 2.6. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик. –Т.: “Ўзбекистон”, 2005 й.
- 2.7. “Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси //Халқ сўзи. – 2005. – 29 январь. -№ 20 (3565.)

- 2.8. “Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиздир”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2006 йилда мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи. 2007 йил феврал.
- 2.9. “Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш-барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи. 2008 йил 9-феврал.

3. Китоб ва туркум нашрлари

- 3.1. Абдуғаффор Жўраев. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг самарали йўллари. Монография. –Тошкент: Фан, 2004. – 243 б.
- 3.2. Ваҳобов А., Жамолов Х. Согласование межбюджетных отношений. –Ташкент: Молия. 2002. –239 с.
- 3.3. Ваҳобов А., Срожиддинова З. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети. –Тошкент: Молия, 2001. –174 б.
- 3.4. Дмитриева Н.Г., Дмитриев Д.Б. Налоги и налогообложение. /Феникс, 2004 г.
- 3.5. Естигнеев Е.Н. Налоги и налогообложение. / СПб.: Питер, 2004 г.
- 3.6. Жўраев А., Мейлиев О., Сафаров Ғ. Солиқ назарияси -Т.: ТМИ, 2004. - 210 б.
- 3.7. Завалишина И.А. Солиқлар: назария ва амалиёт. / “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи, 2005. -544 б.
- 3.8. Коваль Л.С. Налоги и налогообложение. - М.: Финансы и статистика, 2001. – 254 с.
- 3.9. Латипов А. “Ердан фойдаланиш ва солиққа тортиш”. / “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи, 2005.
- 3.10. Маликов Т. Солиққа тортишнинг долзарб масалалари. – Т.: 2000. – 76 б.
- 3.11. Мельник Д. Налоговый менеджмент. - М.: Финансы и статистика, 2002.

- 3.12. Налоги в условиях экономической интеграции. / В.С. Бард и др. под ред. проф. В.С.Барда и Л.П.Павловой. –М.: КНОРУС, 2004. – 288 с.
- 3.13. Налоги и налогообложение. Учебник для вузов /Под ред. Д.Г.Черника. М: Юнита-Дана, 2004. – 345 с.
- 3.14. Налоги и налогообложение. /Тарасова В.Ф. и др. –М.: Финансы и статистика, 2005.
- 3.15. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. — М.: Ось-89, 1997. 255 с.
- 3.16. Темур тузуклари. –Т.: «Чўлпон», 1991. – 98 б.
- 3.17. Финансы. /Под ред. Л.А. Дробозиной –М.: ЮНИТИ,2003.–350 с.
- 3.18. Яхёев Қ.А. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. –Т.: Фан ва технологиялар маркази, 2003. – 247 б.
- 3.19. Яхёев Қ. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. –Т.: «Ғафур Ғулом» 2000 й. – 10 б.
- 3.20. Яхёев Қ. Солиқ. Т.: «Меҳнат», 1997 й. –20 б.

4. Журналлардаги мақолаларга ва конференция ишларига ҳаволалар

- 4.1. Абдужалилов М. Солиқ – муомала лаёқати //Солиқ тўловчининг журнали. –2000. –№12. –Б. 25–27
- 4.2. Абдуллаев Р. Солиқ – мендан, ёрдам – давлатдан. //Солиқ тўловчининг журнали. –2000. –Б. 3
- 4.3. Абдурахмонов О. Жисмоний шахслар мулкани солиққа тортишни такомиллаштириш //Бозор, пул ва кредит. –2002. –№7.
- 4.4. Абдурахмонов О. Солиқ сиёсати: Дунё тажрибаси ва Ўзбекистон итиқболи //Бозор, пул ва кредит. –2002. –№5.
- 4.5. Аҳмаджонов М. Солиқ маданиятини оширайлик //Солиқ тўловчининг журнали. –2001. –№2.
- 4.6. Бурков С. Неналоговые доходы от госсобственности и бюджетный потенциал страны //Российский экономический журнал. –2002. – №9. –С. 27–28
- 4.7. Бутанов Д.Д. Реформирование бюджетных систем: опыт восточной Европе //Финансы. –2000. –№9. –С. 55
- 4.8. Вахабов А., Жураев А. Актуальные проблемы повышения эффективности взаимоотношений Республики Узбекистан с международными финансовыми институтами. //Актуальные проблемы современной науки. –Москва, 2004. –№2(17). –С.106–108.

- 4.9. Гасанлы М.Х. Налоги как источник экономической динамики общественных систем: Макаров Д.Г. Уголовный кодекс в борьбе с теневой экономикой. Проблемы и перспективы //Налоговый вестник. –2000. –№1. –С. 120–121.
- 4.10. Жураев А. Актуальные вопросы налогообложения доходов физических лиц //Актуальные проблемы современной науки. – Москва, 2004. –№2(17). –С. 109–111.
- 4.11. Жўраев А., Амонов А. Қишлоқ хўжалигини солиққа тортишда хорижий давлатлар тажрибаси //Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида солиққа тортиш ва суғурта фаолиятини такомиллаштириш йўллари: Халқаро илмий–амалий конференция материаллари. 11–12 февраль 2004 й. –Тошкент, 2004. Б. 44–46.
- 4.12. Жўраев А. Давлат бюджети даромадларини таснифлаш мезонлари //Халқаро илмий–амалий конференция: 25май 2004. –Тошкент, 2004. Б. 246 – 247.
- 4.13. Жўраев А. Давлат бюджетининг солиқсиз даромадлари //Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. –2004. –№5–6. –Б. 61.
- 4.14. Жўраев А. Давлат бюджети тақчиллигини қоплаш ва унинг макроиқтисодий барқарорликни таъминлашдаги аҳамияти //Бозор, пул ва кредит. –2004. –№4(83). –Б. 28–29.
- 4.15. Жўраев А. Даромад, бюджет ва солиқлар //Солиқ тўловчининг журнали. –2004. –№4 –Б. 21–23.
- 4.16. Жўраев А. Кичик ва ўрта бизнес корхоналарида инвестиция жараёни //Бозор, пул ва кредит. –2002. –№6. –Б. 49–50.
- 4.17. Жўраев А. Корхоналар инвестицион фаолиятини солиқлар орқали рағбатлантириш //Жамият ва бошқарув. –2004. –№4. –Б. 31–33.
- 4.18. Жўраев А. Солиқ–бюджет сиёсати яхлитлиги ва унинг давлат бюджети даромадлари ижросидаги аҳамияти //Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. –2005. –№1–2. –Б. 34–35.
- 4.19. Жўраев А. Солиққа оид жинойтларга солиқ тизими орқали таъсир этиш //Жамият ва бошқарув. –2004. –№3. –Б. 28–29.
- 4.20. Жўраев А. Солиққа оид қонунчилик бузилиши ҳолатларининг олдини олиш //Бозор, пул ва кредит. –2004. –№9(88). –Б. 45–48.

5. Диссертация ва диссертация автореферати

- 5.1. Олимжонов О.О. Развитие финансов агропромышленного комплекса в современных условиях: Дисс. ... д-ра. экон. наук. –СПБ. 1992.–52 с.
- 5.2. Пансков В.Г. Налоговое бремя в Российской налоговой системе: Дис. ... канд. экон. наук. –Москва, 1999. –157 с.

- 5.3. Синельников–Мурылев С.Г. Налоговые проблемы в переходной экономике (опыт сравнительно–теоретического анализа): Автореф. дис. ... д–ра. экон. наук. –Москва, 1996. –47 с.
- 5.4. Ҳайдаров Н.Х. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия–солиқ муносабатларини такомиллаштириш масалалари (хорижий инвестицияли корхоналар мисолида): Иқтисод фанлари доктори дисс. –Тошкент, –2003. –268 б.
- 5.5. Жўраев А.С. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг долзарб муаммолари. Иқтисод фанлари доктори дисс. –Тошкент, –2005. –320 б.
- 5.6. Тўраев Ш.Ш. Хўжалик субъектларининг солиқ юкини оптималлаштириш масалалари. Иқтисод фанлари номзоди дисс. автореферати. –Тошкент, –2007. –24 б.

6. Интернет сайтлари

- 6.1. <http://www.press-service.uz>
- 6.2. <http://www.parliament.gov.uz>
- 6.3. <http://www.senat.uz>
- 6.4. <http://www.gov.uz>
- 6.5. <http://www.cer.uz>.
- 6.6. <http://www.review.uz>.
- 6.7. <http://www.soliq.uz>
- 6.8. <http://www.mf.uz>
- 6.9. <http://www.tfi.uz>
- 6.10. <http://www.expert.ru>